ДАВРИНГ КЕЛДИ — СУР БЕГИММИ?

...ижрочи бир-икки ойнинг ичида ўзганинг 12 миллион 600 минг 447 сўмини кўз юммай чўнтагига уради. Бирок, суд қарорларидан ўз шахсий манфаати йўлида фойдаланаётган ижрочининг қилмишлари фош қилинди.

2 бет

ИМКОНИЯТ ЧЕГАРАСИДАН ОШИБ...

Тўрт мучангиз соғ. Атрофни кўраяпсиз, фарзандингиз чехрасини, турфа гуллар гўзаллигини кўриб, ундан баҳра олаяпсиз. Оламни кўзингиз билан кўриб, унинг мўъжизаларини идрок этасиз. Бундан ортиқ бахт борми?

4 бет

БАЛОИ НАФС ГИРДОБИ

...пойабзалини ечаётганида Сабрий гантел билан чолнинг бошига солди. Сўнгра уни ичкарига кўтариб кириб, каравотга ётқизиб кўйди. ...Чўнтагидан ҳалиги қоғозга ўроғлик пулни олиб, кўчага чиқиб кетди...

10 бет

ЯНА БИР УЛЬТИМАТУМ

Грузияда сиёсий вазият тобора кескинлашмоқда. Мухолифатчилар республика ҳукуматига янги, ўз ичида 17 талабни қамраб олган ультиматумни тақдим этдилар...

11 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Huquq

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2008-yil 31-yanvar, № 05 (578)

МАХСУС МАВЗУ

5 ва 9-саҳифаларда мавзуга доир мақолаларни ўқишингиз мумкин.

Ижтимоий ҳимоянинг устувор йўналиши

Аҳолининг турли қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларидан саналади.

Буни биргина ўтган «Ижтимоий ҳимоя йили»да мамлакатимизда амалга оширилган кенг қамровли ишлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Ўтган йилда «Меҳрибонлик» уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, боқувчисини йўқотган болаларга ғамхўрликни кучайтириш, «Сен ёлғиз эмассан» инсонпарварлик шиорини амалда татбиқ этиш мақсадида 20,3 млрд. сўм сарфланди.

Ёз мавсумида 8 мингдан ортиқ «Меҳрибонлик» уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернат тарбияланувчилари, 35 минг нафар кам таъминланган оилалар фарзандлари бепул соғломлаштирилди.

Шунингдек, жами 18 минг 629 нафар ёрдамга муҳтож ногиронларнинг протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитация техник воситаларига бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилди. Улардан 6,7 минг нафарига 9,6 мингта протез-ортопедия маҳсулотлари, 3,7 минг нафарига ногиронлик аравачалари, 1,8 минг нафарига эшитиш мосламаси ва қарийб 6,4 минг нафарига ҳасса ҳамда қўлтиқтаёқлар бепул етказилди.

Уруш қатнашчилари ва ногиронлари, уруш ортида меҳнат қилганлар ҳамда кўзи ожиз биринчи гуруҳ ногиронларининг 37 минг 280 нафари шаҳар йўловчи транспортларида бепул юриши ташкил этилди. Шунингдек, «Тошкенттрансхизмат» уюшмаси томонидан 2 млрд. 228,6 млн. сўмлик имтиёзли транспорт хизмати кўрсатилган.

Тошкент шаҳрида чет эллик ҳамкорлар билан жамоат транспортлари — автобусларни ногиронлар учун махсус кўтарувчи мосламалар билан жиҳозлаш ишлари режалаштирилмоқда. Режага асосан «САЗ Исузу» автобуси негизида 8 метрлик паст поллик эксперименталь конструкцияни ишлаб чиқиш ишлари якунланаяпти. «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси томонидан ногиронлар учун махсус кўтарувчи мосламалар билан жиҳозланган 2 та автобус харид қилиш юзасидан мақсадли ишлар амалга оширилмоқда.

Суратда: *Тошкент шаҳар Яккасарой туман Ижтимоий таъминот бўлими иш фаолиятидан лавҳалар.*

ХАБАР

Қонун тарғиботи амалда

Мамлакатимиз Парламенти томонидан «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши давлатимизда болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга устувор вазифа сифатида қаралаётганлигини кўрсатмоқда.

Бўка туман прокуратураси томонидан мазкур қонун ижроси устидан назорат ўрнатилиб, туманда истиқомат қилаётган ёшлар ўртасида тарғибот ишларини олиб бориш кучайтирилди. Жумладан, прокуратура ташаббуси билан туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия иштирокида мазкур қонун тарғиботига бағишлаб умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежларида махсус-ўқув соатлари йўлга қўйилди. Ҳомийлар маблағи асосида қонун китобча шаклида минг нусхада чоп этилиб, касб-ҳунар коллежлари талабаларига ва умумтаълим мактаблари юқори синф ўқувчиларига тарқатилди. Таълим муассасаларида махсус-ўқув дарсларини ўтишга бириктирилган ўқитувчилар туман прокуратураси билан доимий равишда алоқада бўлиб, қонун юзасидан ўзларининг фикрлари билан ўртоқлашмоқдалар.

Қидирали ПЎЛАТОВ,
Бўка туман прокурорининг ёрдамчиси

САРҲИСОБ

Дилмурод АБДУРАҲМАНОВ,
Сурхондарё вилоят прокурори

Прокуратура – ҳуқуқ ва эркинликлар ҳимоячиси

2007 йил мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётида чуқур из қолдирди. Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар изчил давом эттирилди. Бунда мустақилликнинг илк йиллариданоқ асосий тамойил сифатида танлаб олинган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида урғу берилди.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуслари ва бевосита раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимида ҳам катта ижобий ўзгаришлар қилинди. Умумбашарий ва миллий қадриятлар, халқимизнинг қадимий ўлмас анъаналари, халқаро ҳуқуқ нормалари эътиборга олинган ҳолда жамият ва давлат ҳаёти барча жабҳаларининг ҳуқуқий механизмлари шакллантирилди. Фаровон, эркин турмуш тарзини яратиш вазифасидан келиб чиқиб прокуратура органларининг функцияларига ҳам янгича ёндашиш зарурати пайдо бўлди. Шу боис 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, 2001 йил 29 августда янги таҳрири қабул қилинди. Республика Бош прокурори Рашитжон Қодировнинг «Халқ сўзи» газетасининг 2007 йил 21 декабрь кунги сонида чоп қилинган «Инсон манфаатлари йўлида» номли сермазмун мақоласида таъкидланганидек: «...кўп йиллар давомида жиноий жавобгарликнинг амалга оширилишида таъқиб этувчи ёки содда қилиб айтганда, «қораловчилик» вазифаларини бажариб келган прокуратура органлари янги қабул қилинган қонунга кўра фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимоячиси сифатида эътироф этилди».

2007 йилда Хоразм вилоят прокуратураси органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида бирмунча ижобий ишлар амалга оширилди. Ўтказилган текширишлар натижасига кўра 9579 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Мансабдор шахслар томонидан қабул қилинган 912 та ноқонуний ҳужжатлар протестлар асосида бекор қилинди ёки қонунга мувофиқлаштирилди. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари 1128 та тақдимномалар орқали бартараф этилди. 3316 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 167 та жиноят иши қўзғатилди. Аниқланган моддий зарарнинг 228 млн. 309 минг сўми айбдор шахслар томонидан ихтиёрий равишда қопланиб, судларга 2 млрд. 164 млн. 327 минг сўмлик 2419 та ариза киритилди.

Буларнинг барчаси вилоятдаги қонунийлик ҳолатига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди.

Капитал қурилиш соҳасида ўтказилган текширишлар натижасига кўра жиддий қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 7 та жиноят иши қўзғатилди. Жумладан, «Сариосиёсаноатқурилиш» инжиниринг компанияси томонидан Узун туманидаги 8-сонли ва Сариосиё туманидаги 30-сонли мактаб биноларида бажарилмаган қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилганлиги ҳақида сохта ҳужжатлар қилиниб, объектлар фойдаланишга топширилганлиги аниқланган. Бу объектларда қилинган ишлар мутахассислар иштирокида назорат ўлчовидан ўтказилганда, жами 58,1 млн. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳақиқатда бажарилмаганлиги маълум бўлди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга доир қонунлар ижроси ҳам прокуратуранинг доимий эътиборида бўлди. Бу йўналишда ўтказилган текширишлар натижасига кўра 30 та жиноят иши қўзғатилди. Хусусан, «Халқ банки»нинг Узун тумани филиали кассири Т.Чоршанбиева 2006 йил ва 2007 йил 1 сентябригача фаолияти давомида жами 7 млн. 717 минг 855 сўмлик турли жарима, йиғим ва бож тўловларини талон-тарож қилиш йўли билан ўзлаштирган. Бундан ташқари, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Сурхондарё филиалининг Қизириқ почта алоқа тармоғида 2007 йил сентябрь ойида 121 нафар нафақахўрнинг жами 6 млн. 519 минг 938 сўм нафақа пуллари эгаларига берилмасдан, талон-тарож қилинганлиги аниқланди.

(Давоми 2-бетда).

Прокуратура – ҳуқуқ ва эркинликлар ҳимоячиси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўтган йилда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга оид қонунлар ижроси бўйича ҳам самарали текширишлар ўтказилди. Бунда 145 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди, 3 та жиноят иши қўзғатилди. Айниқса, Сариосиё туман ҳокимлигига қарашли тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси бошлиги А.Меликбобоевнинг жиноий кирдикорлари ҳеч бир қуюшқонга сиғмайди. У ўз мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, «Сурхондарё баҳолаш ва консалтинг маркази» МЧЖ томонидан 2005 йил 18 июлда 293,8 млн. сўмга баҳоланган Шарғун шаҳридаги қурилиши тугалланмаган 500 ўринли маданият уйи биносини сохта ҳужжатлар асосида укаси Ш.Меликбобоев номига бор-йўғи 6,5 млн. сўмга вилоят давлат мулки бошқармаси орқали сотиб олган. Бошқарма билан 2006 йил 22 мартда тузилиб, 74-сон билан рўйхатга олинган шартнома талабларига кўра, маданият уйининг ҳолатини ва фаолият турини 5 йил муддатда сақлаб қолиши, иш ўринлари яратиш учун янги замонавий технология жорий қилиши ҳамда инвестор сифатида объект фаолиятини такомиллаштириши лозим, бўлсада, 2007 йил январь ойида бинонинг ораёпма плиталари, ғиштларини бузиб олиб сотиб юборган. Деворлар, таянч қисмларини яроқсиз ҳолга келтириб, иморатнинг зилзилага бардошлилик хусусиятини йўққа чиқарган ва давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказган.

А.Меликбобоевнинг жиноий хаттиҳаракатлари шу билан чекланмайди. У тумандаги «Суфиён» ҚФЙ ҳудудидаги 12,6 млн. сўмга баҳоланган, қурилиши тугалланмаган 844 ўринли мактаб биносини фуқаро Ф.Шоимов номига расмийлаштириб, объектга қарашли 2 гектарга яқин ер майдонини 16 кишига 10 сотиҳдан уйжой қуриш ҳамда томорқа учун ўлчаб берган. Бунинг учун бирон-бир ҳужжат бермасдан, одамларнинг ҳар биридан 350 минг сўмдан, жами 5,6 млн. сўм йиғиб олиб, ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкини талон-торож қилиб юборган.

Ушбу ҳолатларнинг барчаси бўйича айбдор шахсларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан фуқароларнинг мурожаатларига алоҳида эътибор билан ёндашиб келинмоқда. Жумладан, Олтинсой туманидаги 39-ўрта мактаб ўқитувчиси Х.Хидирова ва бошқаларнинг 2007 йил март ойидан буён меҳнат ҳақини ололмаётганликлари ҳақидаги аризаси вилоят прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди ҳамда 2007 йил 27 июнь куни иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлардан 6,6 млн. сўм барча ўқитувчиларга тўлиқ тўлаб берилиши таъминланди.

2007 йилда Республика Бош прокурорининг 2004 йил 24 июнь кунидаги «Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 27-сонли буйруғи ижросини таъминлаш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Ушбу йўналишда 340 та текшириш ўтказилган бўлиб, 2119 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Жумладан, қонунга зид ҳужжатларга нисбатан 130 та протест келтирилди. 390 та тақдимнома киритилиб, 346 нафар мансабдор шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилди. 1467 нафари эса интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Аниқланган қўпол қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 45 та жиноят иши қўзғатилди. Вояга етмаганларнинг манфаатини ҳимоя қилиш ва уларнинг ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларини ўрганиш ишлари ҳамда ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб борилиб, 2007 йилда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик 2006 йилга нисбатан 3,2 фоизга, ўз жонига қасд ва суицид қилиш ҳолатлари 72,7 фоизга, бедарак йўқолиш ҳолатлари эса 51,6 фоизга камайишига эришилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 31 июлдаги «Оилавий болалар уйлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 158-сонли қарори ижроси юзасидан Бойсун тумани «Пойгабоши» маҳалласи Шароф Рашидов кўчасида яшовчи фуқаро З.Саидова хонадонида 8 нафар боладан иборат оилавий болалар уйи ташкил этилди. Шунингдек, 2007 йил 5 декабрь куни вилоят прокуратураси ташаббуси билан ҳомийлар маблағи ҳисобидан Бойсун туманидаги 12-вилоят Меҳрибонлик уйига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги коедкслари ҳамда бадиий нашрлардан иборат 300 дан ортиқ китоблар совға қилиниб, кутубхона ташкил этилди.

Қонунчилик тарғиботи, аҳоли ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масалаларини ҳар бир инсон, ҳар бир оила, бутун жамиятдан жиддий эътибор ва тинимсиз меҳнат талаб қилади».

Шундай экан, фарзандларимиз тарбиясига барчамиз масъулдирмиз.

Дўстлик туманида бугун учта замонавий коллеж, 19 та ўрта умумтаълим мактаблари фаолият кўрсатиб турибди. Коллежларда 2423 нафар, мактабларда 10 минг 325 нафар ўғил-қизлар таҳсил олишмоқда. Уларнинг замон талаблари даражасида билим олишлари учун барча шароитлар яратилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, соғлом маънавий муҳит бор жойда юксалиш бўлади. Прокуратура ходимлари айнан шуни инобатга олган ҳолда, туман халқ таълими бўлими, туман «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида бир қатор ишларни амалга оширмоқда. «Ватанпарвар инсон — элига посбон», «Хулқи зебо фарзанд — Ватан кўрки», «Илму ҳунар — туганмас жавоҳир» каби турли мавзуларда ўтказилаётган баҳс-мунозаралар болалар дунёқарашида ижобий сифатларни пайдо қилмоқда.

Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш мақсадида «Сиз ҳуқуқингизни биласизми?», «Сиз қонунни биласизми?» каби мавзуларда ўтказилиб келинаётган давра суҳбатлари ҳам ўз натижасини бермоқда. Суҳбатлар давомида ёшларга қонунларимизнинг аҳамияти, мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумотлар бериб боряпмиз. Уларнинг ҳуқуқий мавзуга доир саволларига жавоб бериб, билим, кўникма ва малакаларини оширишга интиляпмиз.

Маълумки туман ёшларининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш жиноятчиликнинг олдини олишда энг қулай восита саналади. Шу мақсадда туман «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда турли мусобақалар, кўрик-танловлар ўтказиб келяпмиз. Бунинг натижасида ёшларнинг жисмоний тарбияга, спортга бўлган қизиқиши кундан-кунга ортиб бормоқда. Айни вақтда халқ таълими тизимидаги барча таълим муассасаларида, коллежларда спорт секциялари ишлаб турибди. Спортнинг карате-до тури туман ёшларининг энг севимли ва оммабоп машғулотига айланган бўлса, футбол клубининг ташкил этилганлиги фарзандларимизнинг бўш вақтларини унумли ўтказишларига замин яратмоқда.

Ўтган йили туман ёшлари «Ёз-2007» болалар спорти мусобақаларида муваффақиятли иштирок этдилар. Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган мазкур мусобақада Дўстлик туман ўқувчилари вилоятда биринчи ўринни қўлга киритишди. Шунингдек, биз иқтидорли ва истеъдодли ёшларни аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида туман ўқувчилари орасида «Дўстлик ғунчалари» кўрик-танловини ҳам ўтказдик. Танловда ғолиб бўлган ёш ижодкор ўқувчиларнинг ижод намуналарини тўплаб, шеърий тўплам ҳам чиқардик. Ажаб эмас, ижодкор ўқувчилар орасидан бир кун келиб буюк ёзувчи ва шоирлар етишиб чиқса.

Умуман олганда, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кенг йўлга қўйганмиз. Хусусан, «Ёшлар йили»да ҳам таълим-тарбия муассасалари, маҳалла қўмиталари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, ота-оналар, ёшлар орасида ҳуқуқий тарбия мавзуида кўплаб семинарлар, учрашувлар уюштиришни режалаштирганмиз. Фарзандлар тарбиясига эътибор қаратиш, ота-оналарнинг бу борадаги масъулиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар ишлаб чиққанмиз. Шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида «Дўстлик ҳаёти» туман газетаси қошида «ҳуқуқ ва жамият» рукнини ташкил этдик. Бу эса ёшлар тарбияси соҳасида олиб бораётган ишларимизга яқиндан кўмак беради.

Шавкат ТУРДИБЕКОВ,
Дўстлик туман прокурори

Суратда: *туман прокурори Ш.Турдибеков «Дўстлик ғунчалари» ижодкорлари билан.*

МУКАММАЛЛИК ИЛМГА БОҒЛИҚ



Мамлакатнинг келажаги бугун умумий ўрта таълим мактабларида, коллеж ва лицейларда, олий таълим даргоҳларида билим олаётган ёшларга боғлиқ бўлиши ҳаётий қонуниятдир.

Ўсиб келаётган ёш авлодни келажагимиз умидлари деймиз. Дарҳақиқат, эртанги кунимиз, орзу-умидларимиз, яхши ниятларимиз, барчабарчаси фарзандларимиз билан боғлиқ. Болалар соғлом руҳ ва танага эга бўлсаларгина соғлом фикрлайди. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «ҳар қандай инсоннинг энг муҳтабар орзуси, астойдил интилган мақсади соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, ҳар томонлама комил инсонни вояга етказишдан иборатдир. Аммо, соғлом авлод тарбияси ўта мушкул вазифа. Чунки, у

ДАВРИНГ КЕЛДИ — СУР БЕГИММИ?

Ёхуд «чўнтак»ни адаштирган ижрочи ҳақида

Ота-она фарзанд ўстирар экан, келажакда унинг ўқимишли, ҳалол инсон бўлиб етишишини орзу қилади. Шу мақсадда болаларининг ўқиши, илм олишлари учун барча шароитларни яратиб беришга интилишади.

Бухоролик Замир Қаюмовнинг ота-онаси ҳам фарзандини яхши ниятлар билан вояга етказиб, келгусида халқ суйган, обрў-эътиборли инсон бўлишини кўзлаб ўқитишган бўлса ажаб эмас.

Ҳа, яхши ниятлар — ярим мол дейишади. З.Қаюмов мактабда қунт билан таълим олиб вояга етди. Ўқишини тамомлаб, ҳуқуқшунос дипломини қўлга киритганидан сўнг, Суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш департаментининг Хоразм вилоят ҳудудий бошқармасида ишлай бошлади.

Унинг шижоати, меҳнатга бўлган муносабати барчани қувонтирди. Лекин орадан бироз вақт ўтгач, унинг уддабуронлиги ортида бошқа ишлар борлиги аён бўлди. Жумладан, у 2007 йилнинг 2 июлидан буён ижрочи лавозимда ишлаб келиб, суд ижрочилари С.Кенжаев ва Б.Жумаевлар иш юритувидаги қўплаб ижро ишларини ўзига олади ва иш юритувига қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилмасдан туриб, ижро ҳаракатларини амалга оширишга киришади.

Ижрочи З.Қаюмовнинг «жон куйдириб» бошқалар иш юритувида бўлган қарзларни ҳам ундира бошлашининг сабаблари кейинчалик маълум бўлди. У «давринг келди — сур бегим» қабилида иш юритиб, тўртта ижро ишлари бўйича фуқаролар Я.Мамутова, О.Матёқубов, Р.Худойберганов, Б.Ражапов, С.Отахонов, М.Маткаримов, О.Машариповлар томонидан тўланган жами 5 млн. 780 минг 447 сўм пул маблағларини тегишли тартибда расмийлаштириб, талон-торож қилиб юборган.

Бундан ташқари, З.Қаюмов жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят судининг 2007 йил 26 мартдаги ҳукмига асосан У.Қурбонов ва бошқалардан, 2007 йил 16 апрелдаги ҳукмга асосан А.Каримов ва бошқалардан жиноий жарималарни ундириш ҳақидаги 13 та ижро иши бўйича 734022 сонли шохобча кассасига Р.Машарипов томонидан 2007 йил 23 июль куни топширилган 1 млн. ва 26 июль куни топширилган 820 минг, С.Самандаров томонидан 7 август куни топширилган 2 млн. сўмни, Р.Худойберганов томонидан 22 август куни топширилган 3 млн. сўмни, жами 6 млн. 820 минг сўм пул маблағини кассага кирим қилдирмасдан ўзига қайтариб олиб, талон-торож қилиб юборади.

Ҳуллас, ижрочи бир-икки ойнинг ичида ўзганинг 12 миллион 600 минг 447 сўмини кўз юммай чўнтагига уради. Бироқ, касални яширсанг иситмаси ошкор қилади, деганларидек суд қарорларидан ўз шахсий манфаати йўлида фойдаланаётган ижрочининг қилмишлари охир-оқибат фош қилиниб, жиноий жавобгарликка тортилди.

З.Қаюмов суд томонидан ўзига белгиланган жазони ўтар, талон-торож қилиб юборган ўзгаларнинг пулларини ҳам жой-жойига қўяр, аммо бировлар мулкига хиёнати туфайли йўқотган обрўсини тиклаб, одамлар ишончини яна қозона олармикан?!

Ҳ.ҚУРБОНОВ,
Хоразм вилоят прокуратураси катта терговчиси

ҲУҚУҚИНИНГ ТААЛЛУҚЛИЛИГИ

Мен Вазирлар Маҳкамасининг аҳолига бепул қорамол бериш ҳақидаги қарори қабул қилинганидан кейин бир қанча идораларга, жумладан ҳокимиятга ҳам қорамол олиш мақсадида мурожаат этдим. Лекин туман ҳокими сиз шаҳар аҳолисига кирасиз, шунинг учун сизга берилмайди, деди. Шу тўғрими?
Бундай қорамол қонун бўйича кимларга берилиши керак?

Ш.ОЛЛОБЕРГАНОВ,
Хоразм вилояти

Тўғри. Чунки, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 апрелдаги қарори билан тасдиқланган Низом, қорамол қишлоқ жойларда яшайдиган кам таъминланган ва кўп болали оилаларга уларнинг даромадларини ошириш, фуқароларнинг қорамол боқиш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва сотиш билан банд лигини таъминлашга қаратилган.

Унга кўра, қорамол қўйидагиларга:

а) вояга етмаган беш нафар ва ундан ортиқ болалари, шу жумладан, касб-ҳунар коллежлари (академик лицейлар) ўқувчилари бўлган кўп болали оилаларга;

б) умумий даромадлари оиланинг ҳар бир аъзоси ҳисобига бир ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 бараваридан ошмайдиган, доимий равишда (кейинги 2-3 йилда) паст бўлган, кам таъминланган оилаларга;

в) боқувчилари бевалар ва болаларни тарбиялаётган ёлғиз оналар ҳисобланадиган вояга етмаган болалари бўлган кам таъминланган оилаларга;

г) етим болалар ва ота-онасининг қаровисиз қолган болалар учун болалар уйлари ва интернат уйлари битирувчиларига;

д) ота-онасиз қолган икки нафар ва ундан ортиқ болаларни қарамоғига олган оилаларга бепул берилади.

Илгаридан қорамоли бўлган оилалар қорамолни бепул олишга эҳтиёжманд оилалар деб ҳисобланмайди.

Бундан ташқари бундай оилаларда қуйидаги талабларнинг бўлиши ҳам ҳисобга олинади:

уй хўжалигида қорамол боқиш учун шароитларнинг, шу жумладан, ер участкасининг мавжудлиги;

қорамолни боқиш учун тегишли малакага ва парвариш қилиш имкониятига эга бўлган меҳнатга лаёқатли оила аъзоларининг мавжудлиги;

боқилаётган қорамолни ем билан таъминлаш имкониятининг мавжудлиги.

Қорамолни бепул олишта эҳтиёжманд оилаларни аниқлаш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органида тузилган фуқаролар йиғини махсус комиссиялари томонидан амалга оширилади.

Ушбу комиссиялар оиланинг уйига бориб унинг даромалларини ва мулкий аҳволини ўрганиб чиқадилар ва тегишли далолатнома тузадилар, далолатномада:

оиланинг таркиби, вояга етмаган болалар, жумладан касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари сони;

оиланинг умумий даромади ва унинг манбалари;

оилада қимматбаҳо, юқори ликвидли мол-мулкнинг, шу жумладан, кўчмас мулк объектларининг мавжудлиги;

агар оилага қорамол берилса, уни боқиш учун шароитларнинг мавжудлиги кўрсатилади.

ХОДИМНИНГ ҲУҚУҚИ

Мен яқинда касаллиққа учраганимда операция қилишди. Операцияга уч ой бўлган бўлса ҳам, ҳали тўлиқ ўзимга келолганим йўқ. Шунинг учун бу ҳолат иш фаолиятимга таъсир қилаяпти. Врачнинг айтишича, бу бир йилгача давом этиши мумкин экан. Ана шуни эътиборга олган ҳолда иш жойимга бир йилга енгилроқ ишда ишлаб туришни сўрашим мумкинми?

Ш.ХУДОЙҚУЛОВА,
Тошкент шаҳри

Соғлиғингиз ҳолати тўғрисидаги тиббий хулоса сизни вақтинча ёки доимий енгилроқ ишга ўтказишга асос бўла олади. Лекин бунда аввалги ишингиздан фарқли равишда иш ҳақи бироз камроқ бўлиши мумкин. Ана шундай ишга ўтказилганингизда шундай ишга ўтказилган кунидан бошлаб икки ҳафта мобайнида сизнинг аввалги ўртача ойлик иш ҳақингиз сақланади.

Меҳнат кодексининг 218-моддасида белгиланган тартибга мувофиқ, сил касаллиги ёки касб касаллигига чалинганлиги сабабли камроқ ҳақ тўланадиган бошқа ишга вақтинча ўтказилган ходимларга шу ишга ўтган вақт учун, лекин икки ойдан ортиқ бўлмаган муддат давомида касаллик варақаси бўйича янги ишда бериладиган иш ҳақига қўшилганда ходимнинг аввалги ишидаги тўлиқ иш ҳақидан ошиб кетмайдиган миқдорда нафақа тўланади. Башарти касаллик варақасида кўрсатилган муддатда иш берувчи бошқа иш топиб беролмаган бўлса, у ҳолда шунинг оқибатида бекор ўтган кунлар учун нафақа умумий асосларда тўланади.

Иш билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлганлиги ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилганлиги муносабати билан вақтинча камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилган ходимларга уларнинг соғлиғи шикастланганлиги учун жавобгар бўлган иш берувчи аввалги иш ҳақи билан янги ишда оладиган иш ҳақи ўртасидаги фарқни тўлайди. Бундай фарқ меҳнат қобилияти тиклангунга қадар ёки ногиронлиги белгиланганга қадар тўланади.

УЙ ТОРЛИК ҚИЛГАНДА...

Мен яқинда энг кенжа фарзандимни уйлантирдим. Эндиликда иккита оила битта уйда яшашга мажбур бўлаяпмиз. Айтинг-чи, биз каби оилаларга уй қуриш учун ер участкаси бериладими?

Р.ШАРОПОВ,
Андижон вилояти

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабрдаги 272-сонли қарори билан тасдиқланган «Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисида»ги Низом талабларига кўра, 2008 йил 1 январгача якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари томонидан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги таркибига кирмайдиган ерлардан белгиланган тартибда фақат Ўзбекистон Республикаси фуқароларига бир оилага 0,06 гектаргача мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун берилиши кўзда тутилган. 2008 йил 1 январдан бошлаб эса якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари кимошди асосида фуқароларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотилади.

ИМТИЁЗЛИ СТАЖ

Менинг турмуш ўртоғим бундан олти йил аввал иш жойида нопок ниятли одамларнинг унинг имзосини қалбакилаштиришлари натижасида уч йилга жиноий жавобгарликка тортилган эди. Лекин кейин унинг бу ишга алоқаси йўқлиги исботлангач, яна аввалги ишига тикланган эди.
Шу йилнинг август ойида турмуш ўртоғим олтмиш ёшга тўлади. Аммо жазони ўтаган уч йиллик даврида у ишлай олмади. Энди бу давр стажни ҳисоблашда эътиборга олинадими ёки йўқми?

О.ЖАББОРОВА,
Нукус шаҳри

Агар турмуш ўртоғингиз асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортилганлиги исботланиб, оқланган бўлса, асоссиз равишда қамоқда бўлиш ва ҳибсда сақлаш жойларида турган вақти меҳнат стажига бир ярим ҳисса баробарида қўшилади.

ФАРҚИ НИМА?

Мен ҳозирда муҳандислик йўналиши бўйича олий ўқув юртида таҳсил олаяпман. Ўқишни битиришим билан ўз ишлаб чиқаришимни йўлга қўймоқчиман. Айтинг-чи, кичик корхона билан микрофирманинг фарқи нимада?

Р.ҲАЙДАРОВ,
талаба

Ҳар икки хўжалик юритувчи субъект бир-биридан унда ишлайдиган ходимлар сони ва фаолият тури билан фарқланади. Хусусан, микрофирма — банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони ишлаб чиқариш тармоқларида йигирма кишидан; хизматлар кўрсатиш соҳасидаги ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларида ўн кишидан; улгуржи ва чакана ҳамда савдо умумий овқатланиш тармоқларида беш кишидан ошмайдиган корхонадир.

Кичик корхона эса — банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони:

енгил ва озиқ-овқат саноатида, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик, мебель саноати ҳамда қурилиш материаллари саноатида юз кишидан;

машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларида эллик кишидан; фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида йигирма беш кишидан ошмайдиган корхонадир.

ТУТИНГАН ОТА-ОНА

Мен туғруқхонадан қариндошимизнинг фарзандини патронат йўли билан ҳомийлик ва васийлик идоралари ҳамда шаҳар ҳокимлиги қарори асосида фарзандликка олганман.
Биз каби фарзандликка олган оилалар учун қандай имтиёзлар белгиланган?

С.МАДАМИНОВ, Фарғона шаҳри

Тутинган ота-она тарбияга олинган болага нисбатан васий ҳуқуқлари ва мажбуриятларига эгадирлар, яъни улар ўз қарамоғидаги боланинг қонуний вакиллари ҳисобланадилар ва улар номидан ҳамда уларнинг манфаатларини кўзлаб барча зарур битимларни тузадилар. Улар ўз қарамоғидаги шахсларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларини бажаришда кўмаклашадилар, шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари учинчи шахслар томонидан суиистеъмол этилишидан ҳимоя қиладилар.

Тутинган ота-оналарга ўз тарбиясига олган ҳар бир бола учун энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдорида ҳар ойлик нафақа тўланади.

Бундай нафақаларни банк муассасаларида очилган ҳисоб варақларига пул ўтказиш ёки нақд пул кўринишида олиш мумкин.

Агар бола фарзандликка олиниш вақтида боқувчисини йўқотганлик учун пенсия ёки нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлса, у фарзандликка олинган тақдирда ҳам ана шу ҳуқуқни сақлаб қолади.

НАФАҚАГА ҲАҚЛИМИ?

Ҳарбий хизматчиман. Турмуш ўртоғим ҳеч қаерда ишламайди. Биз фарзандимиз икки ёшга тўлгунга қадар парвариш қилиш нафақасини олишга ҳақлимизми?

Ж.ОЛЛАЁРОВ, Тошкент вилояти

Мазкур нафақани тайинлашда оиланинг муҳтожлиги инобатга олинади. Ишламайдиган оналарга болани парвариш қилиш нафақасини тайинлаш чоғида оиланинг ҳар бир аъзосига энг кам иш ҳақининг 1,5 бараваридан кам миқдорда тўғри келадиган жами даромади унинг муҳтожлигини белгилайдиган мезон бўлиб ҳисобланади.

Бунда солиқ солинадиган даромадлар, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий тусдаги бошқа тўловлар (бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилиш учун бериладиган нафақалардан ташқари), шунингдек шахсий ёрдамчи хўжаликдан олинадиган даромадлар ҳам киради.

ТАДБИРКОРГА КРЕДИТ

Якка тартибдаги тадбиркор чорвачилик учун энг кўпи билан қанча миқдорда кредит олиши мумкин? Ушбу кредитнинг йиллик фоизи қанча?
Тадбиркор ўз фаолиятини бошлаганидан кейин қайси ташкилотга қанча миқдорда тўлов тўлаб бориши керак? Чорва кредитини олишда ёш оилаларга қандай имтиёзлар мавжуд?

Ш.УРМАМАТОВ, Гулистон шаҳри

Сиз каби якка тартибдаги тадбиркорларга тижорат банклари томонидан имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан микрокредит бериш «Микромолиялаш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ амалга оширилади. Жумладан, «Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва Микрокредитбанк кредит линиялари ҳисобидан микрокредит бериш тартиби тўғрисида»ги Низом талабларига кўра, якка тартибдаги тадбиркорлик субъектларига бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва фаолиятини ривожлантириш учун берилади. Мазкур кредит якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган деҳқон хўжаликларига тадбиркорликни ривожлантиришга ҳамда бошланғич сармояни шакллантиришга энг кам иш ҳақининг 200 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда берилади. Бунда бериладиган кредитнинг 50 фоизи нақд пул билан 1,5 йил (18 ой) муддатга берилиши мумкин.

Тадбиркорлик субъектининг қандай тўловлар тўлаши унинг қандай фаолият билан шуғулланишига боғлиқ.

Ёш оилалар учун чорва кредити ажратилиши борасида тартиб мавжуд бўлмасада, имтиёзли шартлар асосида қуйидаги мақсадлар учун ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар олиш мумкин:

— кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил қилиш;

— уй-жой қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш (ижарага олиш);

— уй-хўжалигини йўлга қўйиш;

— мебель ва бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган ҳаётий зарур товарлар сотиб олиш.

Ҳурматли муштарий! Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб берадилар. Саволларингизни «Huquq» газетасининг «huquq97@mail.ru» электрон почтаси орқали юборишингиз ёки 233-26-62 телефон рақамига қўнғироқ қилиб беришингиз ҳам мумкин.

Саволларга Республика Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори Х.НОРҚОБИЛОВ ва Юнусобод туман прокурорининг ёрдамчиси Б.САИДОВ жавоб берди

Туғма хаста ёки бирон-бир сабабга кўра соғлиғини йўқотган шахслар жамиятимизнинг инсонпарвар қонунлари билан ижтимоий мухофазага олинган. Жумладан, тенгдошлари қатори мактабга қатнаб таълим олишдан бебаҳра болаларга шу атрофдаги мактаб ўқитувчилари биркитиб қўйилган. Фарғона вилоят прокуратурасининг ногирон болаларни уйларида ўқитиш учун яратилган шарт-шароитларни давр талаблари даражасига етказиш, уларга биркитилган ўқитувчиларнинг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлари ўз самарасини беряпти. Болалар тўлаконли билим олишяпти.



КЎНГИЛ МАЛҲАМИ

Мунтазам равишда йўлга қўйган назорат тадбирлари натижасида мурувват уйлари, мактаб-интернатлар бошдан-оёқ таъмирланиб, замонавий ўқув қуроллари билан бекаму кўст жиҳозланди. Болаларнинг ўқиш ва яшаш шароитлари яхшиланди. 3 та Меҳрибонлик уйи, 8 та махсус мактаб-интернатларга 11 та автобуснинг топширилиши турли тадбирларни ўтказиш, ўқишдан бўш пайтлари болаларни сайр-саёҳатларга олиб бориш имкониятини яратди.

Ибратли ишлар билан бир қаторда кўнгли ярим кишиларнинг дилига малҳам бўлиш бевосита хизмат бурчи бўлган айрим ходимларнинг лоқайдликлари ҳам кўзга ташланди. Бағдод туман ижтимоий таъминот бўлимига имтиёзли йўлланма сўраб мурожаат қилган 83 нафар фуқаролардан 11 тасигина сиҳатгоҳларга юборилган. 72 нафар фуқаронинг мурожаати эътиборсиз қолдирилган. Тошлоқ туманида эса мурожаат қилган 4 кишига ногиронлик аравачаси, 2 кишига реабилитация воситалари етказиб бериш ортга суриб келинган. Фарғона туманида яшовчи А.Марасулов, И.Ҳожиболаева, Ғ.Позиловларнинг бу борадаги мурожаатлари икки йил мобайнида қаноатлантирилмаган.

Давлат идоралари, корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотлар ногиронларга (шу жумладан ўриндиқли аравача ва етакловчи итлардан фойдаланувчи ногиронларга) уй-жойлардан, жамоат ва ишлаб чиқариш биноларидан, иншоотлар ва хоналардан фойдаланишлари, жамоат транспорти ва транспорт коммуникациялари, умумий фойдаланишдаги алоқа ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланишлари, бемалол йўл танлаш ва юришлари учун шарт-шароит яратиб беришга мажбурдирлар.

(«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддаси)

Қонунларимизда ногиронларнинг даволанишлари, соғлиқларини тиклашлари учун бир қатор имтиёзлар белгиланган. Айрим шифокорларнинг лоқайдликлари эса ҳақли эътирозларни келтириб чиқармоқда. Бешариқлик А.Зунунов соғлиғи ёмонлашиб туман марказий поликлиникасига мурожаат қилди. Даволовчи шифокор А.Қодиров уруш қатнашчиси, 2-гуруҳ ногиронига бепул дори-дармон учун рецепт ёзиб бермай, имтиёздан фойдаланишини чеклаб қўйди. Туман ижтимоий таъминот бўлими масъул ходимлари ҳам ўз вазифаларига совуққон муносабатда бўлишди. Вояга етмаган Х.Бурҳоновнинг оёқлари ногирон, махсус ОТО-8 мослама ва мураккаб пойабзалга муҳтожлиги ҳақида туманларароТМЭК томонидан туман ижтимоий таъминот бўлимига маълумотнома ҳавола этилган эди. Бироқ бўлимда ярим йил мобайнида ушбу ҳолат ҳатто белгиланган тартибда қайд этилмаган. Бефарқлик, лоқайдлик оқибатида ногирон бола протез-ортопедия мослама билан таъминланмаган.

Туман марказий болалар поликлиникаси тиббий ҳайъати аъзолари Қоратепа қишлоғилик, болаликдан ногирон 17 ёшли Ш.Комиловаанинг касаллик тарихини ўрганмай келишган. Натижада у уч йил мобайнида муфассал тиббий кўрикдан ўтказилмаган.

Шунингдек, Қўқон шаҳридаги эркаклар Мурувват уйида «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ижроси ўрганилганда бир қатор қонунбузилиш қолатлари юзага чиқди. Муассасада диспансер назоратига олинган беморлар 100 фоиз соғломлаштирилгани тўғрисида сохта маълумотномалар тузилган. Таъмирлаш ишларининг ҳажми ошириб ёзилиши туфайли 2,7 млн. сўм бюджет маблағлари ўзлаштирилган.

Қонунларда ногиронлар қисқартирилган иш вақтларида ишлаши белгиланган. Фарғона шаҳар коммунал фойдаланиш ва таъмирлаш бошқармасида ишловчи 2-гуруҳ ногирони Т.Холиқов Меҳнат кодексининг 220-моддасига зид равишда ҳафтасига 40 соатдан ишга жалб қилинган.

Вилоят прокуратураси органлари юқоридаги каби яна бир қатор қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этишди. Прокуратура ташаббуси билан ижтимоий ҳимояга олинган фуқаролар, ногиронлар протез-ортопедия маҳсулотлари, аравачалар, ҳасса ва қўлтиқ таёқлар, оромгоҳларга йўлланмалар билан таъминланишди. «Саховат уйи»да ўтказилган тадбирда 20 нафар вояга етмаган ногиронларга аравачалар топширилди. «Маҳалла» жамғармасида ўтказилган тадбирда эса ёши улуғ 12 нафар фуқароларга ногиронлик аравачалари берилди. Вилоятдаги барча ногиронлар аравачалар, эшитиш мосламалари, протез-ортопедия маҳсулотлари билан тўлиқ таъминланди.

Тадбирлардан бирида сўзга чиққан отахон айтганидай, бу нарсалар асқотиб, хасталарнинг оғирини енгил қилади. Энг муҳими эътибор кўнгилга малҳам бўлади.

М.УМАРОВ,
Фарғона вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Кўзингизни беш дақиқага юмиб қадам ташлашга ҳаракат қилинг. Хеч нарсани кўрмайсиз. Дунё зим-зиё. Гўё борликдан узилгансиз. Худо кўрсатмасин, бирор фалокат сабаб ана шундай яшашга бир умр махкум бўлсангиз-чи? Дахшат! Тақдирингиздан нолиб «дод» деб юборишингиз тайин. Оллоҳга шукур қилинг. Тўрт мучангиз соғ. Атрофни кўраяпсиз, фарзандингиз чехрасини, турфа гуллар гўзаллигини кўриб, ундан баҳра олаяпсиз. Оламни кўзингиз билан кўриб, унинг мўъжизаларини идрок этасиз. Бундан ортиқ бахт борми?! Бирок ҳаётда тақдир зарбалари туфайли бир умр кўриш бахтидан бенасиб бўлган минглаб юртдошларимиз сиз билан бизнинг ён-атрофимизда яшайди.

ИМКОНИЯТ ЧЕГАРАСИДАН ОШИБ...



Гарчи бироз қўполроқ бўлса-да, қорни тўқнинг қорни оч билан иши йўқ деганларидек, ҳамиша ҳам уларнинг дарду ташвишлари ҳақида, ҳаёти ҳақида кўп ҳам ўйлайвермаймиз. Бироқ бу билан ҳаёт тўхтаб қолмайди. Биздан фарқли ўлароқ «ожиз» кишилар имкон қадар жамиятда илғор бўлишга, ҳаётда муносиб яшашга ҳаракат қилишади. Эътиборли томони шундаки, уларнинг кўпчилиги инсоният, жамият тараққиёти учун айрим соғлом инсонлардан кўра кўпроқ фойда келтиради. Мен бунга кўзи ожизларнинг (кирилл алифбосида босиладиган) «Bir safda» журналида ишлаганимда кўп бор гувоҳ бўлганман. Жумладан, урушда икки кўзидан ажралган Михаил Макаров ҳақида «Матонат» очеркини ёзгандим. Унинг уй устахонасида ижод қилишини кўриб, ҳайратга тушгандим. Ўшанда Михаил Радионович «Пўлат қандай тобланди?» романининг муаллифи Николай Островскийнинг ҳайкалини ишлаётган экан.

60-йилларда оғир атлетика бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлган Ҳасан Исломов билан танишиб, бу матонатли инсон ҳақида бир неча марта мақола ёзгандим. 80-йиллари бу инсон ҳақида ёзувчи Хайриддин Султонов ҳам «Ёшлик» журналига каттагина очерк ёзганди. Тақдирга тан бермай келаётган бундай кўзи ожиз юртдошларимиз ҳақида кўп ва хўп ҳикоя қилиш мумкин. Кўзи ожиз бўлишига қарамасдан тинимсиз меҳнатлари ҳисобига фан доктори унвонига эга бўлган Санжар Сиддиқов, Роҳатой Сафарова каби олимлар ўз ҳаёт йўллари билан минглаб ёшларга ўрнак бўлмоқда. Ороллмирза Сафаров, Ўлмас Расулов каби санъаткорлар мусиқа соҳасида ўз мактабларини яратишди. Кўзи ожиз юртдошларимизнинг муаммоларини тинглайдиган, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлайдиган бир ташкилот бор. Бу ташкилот Республика Кўзи ожизлар жамияти деб номланади. Яқинда ана шу даргоҳда бўлдим.

— Жамият тизимида фаолият кўрсатаётган 12 та вилоят, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси бошқаруви, 194 та туман ва шаҳар ташкилотлари ўз сафига 35 минг нафар I ва II гуруҳ ногиронларини бирлаштириб, уларнинг дардларига дармон бўлмоқда, — дейди кўзи ожизлар журнали бош муҳаррири Абдусаид Мирҳамидов. — Улар мавжуд 54 та ўқув ишлаб чиқариш корхонасида фойдали меҳнатга жалб қилинган. Собиқ Иттифоқ даврида бундай корхоналар сони 37 тани ташкил қилган. Марказий Бошқарувнинг иқтисодиёт бўлими бошлиғи Л.Рустамовнинг маълумот беришича, жамият тизимидаги ўқув ишлаб чиқариш корхоналари 2006 йилда 332 млн. 957 минг сўмлик ўрнига 4 млрд. 756 млн. 78 минг 80 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган. Режа эса 142,7 фоизга уддаланган. Корхоналар томонидан бўз, поёндоз, тўшак ва нотўқима маҳсулотлар қатори, кўрпа-ёстиқ, ип-калава ишлаб чиқариш ҳам кенг йўлга қўйилган. Шаҳрихондаги корхонада электр кабеллари ишлаб чиқарилмоқда. Жамиятда 2007 йил бу кўрсаткичлар янада кўтарилган. Тизимда ишлаб чиқариш 5 млрд. сўмдан ошган. Жамият тасарруфидаги ташкилотлар йил сайин бозор иқтисодиёти талабларига мослашиб, аҳолининг талаб ва таклифидан келиб чиқиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқда. Ўтган йилнинг 5 ойида Жамиятнинг Ғиждувондаги корхонасида 42 тонна калава тайёрланган. Корхонада меҳнат унумдорлиги ошиб, ҳар бир ишчининг ишлаб чиқарган маҳсулоти 1,8 млн. сўмни ташкил қилган. Давр талабидан келиб чиқиб, корхонада 15-150 мм.ли қувурлар ишлаб чиқариш режалаштирилди. Бу корхонада ишлаётган кўзи ожиз ишчилар учун барча шароитлар яратилган. Маданият уйи, кутубхона, 56 хонадонли турар жой бинолари мавжуд. Улар яқинида жойлашган ошхона, чойхона, соатсозлик, пойабзал устахоналари, дўкон, новвойхоналар кўзи ожиз ишчиларга имкон қадар имтиёзли нархда хизмат кўрсатмоқда.

1956 йил пойтахтимизда ҳам кўзи ожизларни иш билан таъминлаш мақсадида чўтка ва картон буюмлари ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси ташкил қилинганди. Кўзи ожиз ишчиларга қулай шароит яратиш мақсадида корхона ёнида турар-жой бинолари, боғча ҳамда маданият уйи қурилди.

«Bir safda» журналида кўзи ожизлар ишлайдиган корхоналарнинг молиявий аҳволи, иш режалари, ютуқ ва камчиликлари мутахассислар томонидан таҳлил қилиб борилади. Уларга кўрсатилаётган ижтимоий ҳимоя ҳақида туркум мақолалар бериб борилади.

— Кўзи ожиз юртдошларимизга ҳукуматимиз томонидан алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда, — дейди Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири вазифасини бажарувчи А.Ҳайитов. Ижтимоий ҳимоя қилиш дастури доирасида 1200 нафар фуқарога сунъий кўз гавҳарлари бепул қўйилди. 250 нафар кўзи ожизлар вазирлик тизимидаги сиҳатгоҳларда ўз соғлиғини тиклади.

Бутунжаҳон кўзи ожизлар уюшмаси вице-президенти Кики Нордстром хоним ҳам Ўзбекистонда кўзи ожизларнинг меҳнат қилиши, имтиёзлардан фойдаланиши, ҳаётда ўз ўринларини топишида ҳукумат томонидан алоҳида ғамхўрлик қилинаётганлигини Республика Кўзи ожизлар жамиятининг 75 йиллик тўйи муносабати билан йўллаган табригида алоҳида таъкидлаб ўтган.

Жамият тасарруфида Янгийўл сиҳатгоҳи, Шоҳимардон, Косонсой, З.Эргашев номли дам олиш масканлари ва болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари, «Санъат гулшани» маданият саройи, «Ёруғлик нури» реабилитация маркази, «ЎзКОЖ- Баликчи», «Самарқанд-Чорвадор» ёрдамчи хўжаликлари фаолият кўрсатаяпти. 74 та кутубхона улар хизматида, 8 та махсус мактаб-интернат кўзи ожизларга илк сабоқлар бермоқда.

— Ҳукуматимиздан миннатдормиз, — дейди «Bir safda» журнали бош муҳаррири А.Мирҳамидов. — Журналимизнинг мунтазам чиқишини таъминлаш мақсадида ўтган йили 25 млн. сўм маблағ ажратилди. Ана шунинг ҳисобидан Брайль ва кирилл алифбосидаги журналимизнинг тўлиқ сони ўқувчилар қўлига етиб борди. Журналимиз минглаб кўзи ожизларнинг ҳамдарди ва фикрдошидир. Шу боис уларнинг ижодига журналимизда кенг ўрин берганмиз.

Таҳририятдан қайтаётганимда бош муҳаррир журналнинг сўнгги сонини қўлимга тутқазди. Журнални варақлаб самарқандлик шоир Абдуҳамид Абдуманнововнинг шеърига кўзим тушди:

«То ҳаёт эканман, танда бор қувват,
Юрт нону тузини оқламоқ бурчим.
Ҳамроҳ бўлди менга доим матонат
Ишласам юрт учун етгунча қучим».

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,
«Huquq» мухбири

Ҳафталик теледастурлар

Сиқиқ TV

2008-yil 31-yanvar, № 05 (578)

Моҳият

Яхши суҳбатдош бўлишнинг фақат битта усули бор, бу тинглай билишдир.

К.МОРЛИ

TV МАРКАЗ канали ҳафталик дастури

4-fevral, Dushanba

07.00, 13.00, 14.30, 17.30 Ўзбек наволари
08.00 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ» 63-серия (такрор)
08.30 «Седьмой день» (итоги)
09.00 Сериал «Хонаки эркак» 15-серия
10.20, 14.00, 17.00 Мировые хиты
10.30 Анвар Санаев концерти
12.30, 18.00 «Премьера» (рус)
13.30, 19.00 «Премьера» (ўзб)
15.30 «Бэби хитс»
16.00 М/ф
18.30, 21.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ» 64-серия
19.30 Сериал «Хонаки эркак» 16-серия
20.50 Ўзбек наволари
22.00 Х/ф «Поцелуй на вылет»
00.00 Миксер

5-fevral, Seshanba

07.00, 07.35, 08.35, 11.30, 12.05, 14.00, 18.05 Ўзбек наволари
07.30, 12.00, 18.00 Марказ NEWS (ўзб)
08.00 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ» 64-серия (такрор)
08.30, 13.00, 19.00 Марказ NEWS (рус)
09.00 Сериал «Хонаки эркак» 16-серия
10.20, 13.05, 17.30 Мировые хиты
11.00 Сериал «TALABALAR.UZ» 13-серия
15.30 «Бэби хитс»
16.00 М/ф
17.00 «Премьера» (ўзб)
18.30, 21.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ» 65-серия
19.05 Ўзбек наволари
19.30 Сериал «Хонаки эркак» 17-серия
20.50 Мировые хиты
22.00 Х/ф «Последние дни»
23.50 Миксер

6-fevral, Chorshanba

07.00, 17.35, 08.35, 11.30, 12.05, 14.30, 17.30 Ўзбек наволари
07.30, 12.00, 18.00 Марказ NEWS (ўзб)
08.00 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ» 65-серия
08.30, 13.00, 19.00 Марказ NEWS (рус)
09.00 Сериал «Хонаки эркак» 17-серия
10.20, 13.05, 14.00, 17.00 Мировые хиты
11.00 Сериал «TALABALAR.UZ» 14-серия
13.30 «Премьера» (рус)
15.30 «Бэби хитс»
16.00 Мультфильм
18.05 Ўзбек наволари
18.30, 21.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ» 66-серия
19.05 Ўзбек наволари
19.30 Сериал «Хонаки эркак» 18-серия
20.50 Ўзбек наволари
22.00 Х/ф «Большие неприятности»
23.50 Миксер

7-fevral, Payshanba

07.00, 07.35, 08.35, 11.00, 13.05, 14.30 Ўзбек наволари
07.30, 12.00, 18.00 Марказ NEWS (ўзб)
08.00 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ» 66-серия
08.30, 13.00, 19.00 Марказ NEWS (рус)
09.00 Сериал «Хонаки эркак» 18-серия
10.20, 12.05, 14.00 Мировые хиты
10.30 «Премьера» (ўзб)
15.30 «Бэби хитс»
16.00 М/ф
17.00 Ўзбек наволари
17.30 Мировые хиты
18.05 Ўзбек наволари
18.30, 21.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ» 67-серия
19.05 Ўзбек наволари
19.30 Х/ф «Собака на сене» 1-серия
20.50 Мировые хиты
22.00 Х/ф «Последнее желание»
00.00 Миксер

8-fevral, Juma

07.00, 07.35, 08.35, 11.00, 12.05 Ўзбек наволари
07.30, 12.00, 18.00 Марказ NEWS (ўзб)
07.35 Ўзбек наволари
08.00 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ» 67-серия
08.30, 13.00, 19.00 Марказ NEWS (рус)
10.00, 14.00 Мировые хиты
15.00 Ўзбек наволари
15.30 «Бэби хитс»
16.00 М/ф
17.00 «Премьера» (рус)
17.30 Ўзбек наволари
18.05 Ўзбек наволари
18.30, 21.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ» 68-серия
19.05 Ўзбек наволари
19.30 Х/ф «Собака на сене» 2-серия
20.50 Мировые хиты
22.00 Коллекция Мадонны: Х/ф «Дик Трейси»
00.00 Миксер

9-fevral, Shanba

07.00 Ўзбек наволари
08.30 Мировые хиты
09.30 «Бэби хитс»
10.00 М/ф
12.00 Мировые хиты
13.00 Ўзбек наволари
14.30 Сериал «TALABALAR.UZ» 13-14 серялар
15.30 Мировые хиты
16.00 Х/ф «Служебный роман»
18.50 Ўзбек наволари
19.00 «Шанба окшомида»
19.30 Ўзбек наволари
20.00 «Премьера» (рус)
20.30 Мировые хиты
21.00 Ўзбек наволари
21.30 Сериал «TALABALAR.UZ» 15-серия
22.00 Коллекция Мадонны: Х/ф «Эвита»
00.30 Миксер

10-fevral, Yakshanba

07.00 Ўзбек наволари
08.00 Мировые хиты
09.00 «Шанба окшомида»
09.30 «Бэби хитс»
10.00 М/ф
12.00 Мировые хиты
13.00 Ўзбек наволари
14.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ» 64-68 серия лар
17.00 Райхон концерти
19.00 «Седьмой день» (итоги)
19.30 Ўзбек наволари
20.00 «Премьера» (ўзб)
20.30 Ўзбек наволари
21.30 Сериал «TALABALAR.UZ» 16-серия
22.00 Коллекция Мадонны: Х/ф «Унесенные морем»
23.50 Миксер

Kamalak канали ҳафталик дастури

4-fevral, Dushanba

12.00, 14.05 Клип минутка
12.20 Ералаш
12.40 М/ф «Мулан»
14.25 Х/ф «Аленький цветочек»
15.30 Мультфильм
15.50 Музыкальная дорожка
16.30 Х/ф «Знакомство с родителями»
18.20 Музыкальная дорожка
19.00 Х/ф «Индиана Джонс в поисках потерянного ковчега»
20.55 Музыкальная дорожка
21.35 Х/ф «Красная планета»

5-fevral, Seshanba

12.00, 14.05 Клип минутка
12.20 Ералаш
12.40 М/ф «Мулан 2»
14.25 Х/ф «Астерикс и Абеликс против Цезаря»
16.10 Мультфильм
16.30 Музыкальная дорожка
17.10 Х/ф «Дубль Кейт»
18.45 Музыкальная дорожка
19.25 Х/ф «Тот, которого заказали»
20.55 Музыкальная дорожка
21.35 Х/ф «Игры разума»

6-fevral, Chorshanba

12.00, 14.05 Клип минутка
12.20 Ералаш
12.40 М/ф «Аладдин»
14.25 Х/ф «Кощей бессмертный»
15.30 Мультфильм
15.50 Музыкальная дорожка
16.30 Х/ф «Свадебный переполох»
18.10 Музыкальная дорожка
18.50 Х/ф «Иствикские ведьмы»
20.45 Музыкальная дорожка
21.25 Х/ф «Ганибал»

7-fevral, Payshanba

12.00, 14.05 Клип минутка
12.20 Ералаш
12.40 М/ф «Аладдин и король разбойников»
14.25 Х/ф «Как стать принцессой»
16.15 Мультфильм
16.35 Музыкальная дорожка
17.15 Х/ф «Проклятие нефритового скорпиона»
18.55 Музыкальная дорожка
19.35 Х/ф «Анализируй то»
21.10 Музыкальная дорожка
21.50 Кино ХИТ «Последняя фантазия»

8-fevral, Juma

12.00, 14.05 Клип минутка
12.20 Ералаш
12.40 М/ф «Волшебный меч»
14.25 Х/ф «Сказка о потерянном времени»
15.40 Мультфильм
16.00 Музыкальная дорожка
16.40 Х/ф «Две недели»
18.20 Музыкальная дорожка
19.00 Х/ф «Бесстрашный»
20.40 Музыкальная дорожка
21.20 Большое кино «Блейд»

9-fevral, Shanba

10.00, 11.40 Клип минутка
10.20 М/ф «Малыши в Париже»
12.00 М/ф «Хрусталик и пингвин»
13.15 Рейтинговый фильм
15.10 Кино ХИТ «Последняя фантазия»
16.50 Музыкальная дорожка
17.30 Х/ф «Плуто Нэш»
19.05 Музыкальная дорожка
19.45 Х/ф «Самурай»
21.15 Музыкальная дорожка
21.55 Х/ф «В чужом ряду»

10-fevral, Yakshanba

10.00, 11.40 Клип минутка
10.20 М/ф «Волшебное приключение»
12.00 М/ф «Золушка 2»
13.15 Рейтинговый фильм
15.10 Большое кино «Блейд»
17.10 Музыкальная дорожка
17.50 Х/ф «Такси 3»
19.15 Музыкальная дорожка
19.55 Х/ф «Сердца в Атлантиде»
21.30 Музыкальная дорожка
22.10 Видеобитва:
1. **Библиотекарь**
2. **Люди в черном**
3. **Пункт назначения 3**

O'ZBEKISTON

Ҳурматли телетомошабинлар! Профилактика муносабати билан душанба 4 феврал куни «O'zbekiston» телерадиоканали ўз кўрсатувларини соат 14.55 дан бошлайди.

14.55 Кўрсатувлар дастури.
15.00 «Таҳлилнома».
15.45, 16.55, 17.55, 20.00, 22.55 ТВ анонс.
15.50, 20.50 «Минг бир ривоят».
15.55 В/ф **«Алишер Навоий».**
16.20 «Юртим бўйлаб» дастури: «Сурхон кулоллари».
16.35 «Ҳаёт ва қонун».
17.00, 21.00 «Ахборот».
17.10 «Олтин мерос».
17.20 «Яхшилар ёди». Тоғай Мурод.
«Болалар сайёраси»:
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.00 «Сизнинг адвокатингиз».
18.05 Т/с **«Турмуш чорраҳаларида».**
18.50 «Бир кун».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 Т/с **«Аччиқ ёлғон».**
21.35 «Парламент вақти».
21.55 Т/с **«Сўнгги қиролича».**
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат»
23.15 Т/с **«Рамаяна».**
23.50-24.00 Тунги наволар.

4-FEVRAL Dushanba

«Uzbekistan».
24.00 Кўрсатувлар дастури.
00.05 В/ф **«Алишер Навоий».**
00.30 «Қадимий ва афсонавий Маргилон» (инглиз тилида)
00.50, 04.35 «Олтин мерос».
01.00 «Ахборот» (рус)
01.30 ТВ анонс.
01.35 «Ёшлар майдони».
02.35 «Ватанпарвар».
03.25 «Бир кун».
03.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Зардўзлар».
04.00 «Ахборот».
04.30 Эски альбом.
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 Т/с **«Турмуш чорраҳаларида».**
05.40-05.55 Тонгги наволар.

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00, 17.00 «Мультипанорама».
8.00 «Ёшлар майдони».
9.00 «Journal».
9.20, 18.00, 19.30 Т/с **«Денгиз ҳукмдори».**
9.55, 18.55, 21.55 «Иқлим».
10.00 «Давр». Ҳафта якуни.
10.30 «Камолот».
10.40 «Санъат усталари».
11.00 Б/ф: **«Ўтган кунлар».**
12.30 «Эверест».
13.10 «Бугундан эсдалик».
13.30 Т/с **«Ёмғир симфонияси».**
15.00 «Ёшлар майдони».
16.00 «Давр».
16.10 «Меъёр соғлиқ гарови».
16.30 «Ёшлар ва таълим».
16.45 «Болалар табассуми».
16.50 «Даврнинг боласи».
18.35, 20.30 «UzEX хабарлари».
18.40 «SMS-мусиқа».
19.00, 22.00 «Давр».
20.10 «Автопатруль».
20.20 «Yoshlar-FM».
20.40 «Ёшлар навоси».
21.00 «О; ёшлигим...»
21.05 «Yoshlar» анкетаси.
21.10 Т/с **«Алия».**
22.30 «Мулки мултоз».
22.45 Т/с **«Қайтар дунё».**
23.30 «Аждодлар садоси».

TOSHKENT

17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 М/с «Барби ва қароқилдоқ». 3-қисм.
18.10, 21.50 «Телекурьер - маркет».
18.25 «Биласизми?»
18.30, 21.30 «Пойтахт»
18.45, 21.25 «Анонс».
18.50 Т/с «Камила».
19.20 «ТВ юрист».
19.25 «Мусиқа SMS».
19.50 «Саломат бўлинг» /рус/.
20.00, 22.30 «Пойтахт» /рус/.
20.15 «ТВ юрист» /рус/.
20.20 Т/с «Милагрос».
20.50 «Интервью» /рус/.
21.00 «Жозиба».
21.45 «Ўйларим».
22.10 «Аёл қалби».
22.45 «Кино SMS со звездами».
22.50- 00.30 Кино: «Крысиные бега».

SPORT

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Талқин».
8.30 «Детективы».
9.00 «Версия».
9.30 «Малахов+ ».
10.30 Сериал **«Татьянин день».**
11.15 «Мониторинг».
Ҳа, бугун уларнинг ўксик қалблари қувончларга чулғанмоқда. Бу бизнинг ўй-фикримизча. Лекин уларнинг ўзлари бу ҳақда нима деркин? Шу мақсадда замондошларимизнинг ҳаётига бир назар солиб кўрмоқликни жоиз деб билдик.

Андижон шаҳридаги якка-ёлғизларга хизмат қилувчи ижтимоий хизматчилар «Сиз ёлғиз эмассиз!» лутфини ўзларига шиор қилиб олган. Бундан кўпчилик қарияларнинг кўнгиллари тоғдек кўтарилмоқда. Қалби кемтик отахон ва онахонлар Фотимахон Сатторова, Майрамхон Тўйчиева, Гулмирахон Кимсанова кабиларнинг хизматидан мамнун.

— Уларнинг беминнат ёрдамларидан хурсандман, — дейди 85 ёшли Екатерина Димченко. — Ёлғизлигимни билдирмай, доимо хабар олиб туришади. Бозор-ўчаримни қилиб беришади. Кирларимни ювиб, уйимни йиғиштиришади. Бунинг учун қанча раҳматлар айтсам оз...

Ана шундай миннатдорчилик изҳорларини Зинаида Коваленко, Владимир Измайлов сингари кексалар ҳам билдиришди.

Лекин шу шаҳарда истиқомат қилувчи ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионер К.Деряева Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»ги Фармони талабларидан келиб чиққан ҳолда рўйхатга олинмаган, оқибатда бепул 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон ва коммунал тўловлар учун компенсация олиш каби имтиёзлардан фойдаланмасдан келган. Ҳозирда К.Деряеванинг ҳуқуқлари тўлиқ тикланди.

— Прокуратура органларига раҳмат. Улар ҳақ-ҳуқуқларимнинг тикланишини таъминлади, — дейди у биз билан суҳбатда.

Андижон туманида рўйхатга олинган 109 нафар ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерларга ижтимоий хизмат кўрсатиш учун атиги 17 нафар ходим бириктирилганлиги сабабли шу туманнинг Бўтақора қишлоғида яшовчи 4 нафар якка-ёлғиз пенсионерга умуман хизмат кўрсатилмаган. Пахтаобод туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғининг ноқонуний буйруғига кўра ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз ногирон А.Галактиновага ижтимоий хизмат кўрсатиш тўхтатилган. Туман прокурорининг протестига асосан ноқонуний қарор бекор қилиниб, унинг ижтимоий хизматга олиниши таъминланди.

Бундан ташқари Саховат, Мурувват ва Меҳрибонлик уйларида қўним топганлар ҳам борки, улар эрта-ю кеч эътибор ва парваришда.

Андижон шаҳридаги Саховат уйига борганимизда у ерда ҳам кексаларнинг эъзозда эканлигининг гувоҳи бўлдик. Бу ерда яшовчилар учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Қалби ўксикларни йўқлаб келувчилар ҳам бисёр экан. Улардан бири Андижон шаҳридаги Саъдий маҳалла аҳлидир. Бу маҳалла 2004 йилдан буён Саховат уйидан хабар олиб туришни анъанага айлантиришган.

— Маҳалладошларимиздан кимдир кўйлаклик, яна биров рўмол, сочиқ, совун, уст-бош, кўрпа-тўшак беради. Қарабсизки, бир дунё нарса тўпланади. Буларга озиқ-овқатлар ҳам қўшиб олиб борамизда, катта дошқозонда ош дамлаб улашамиз, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулчеҳрахон Исломова.

— Қарияларимиз маҳалла фаолларига шу даражада ўрганиб қолишган-ки, ҳар гал уларни интизорлик билан кутишади, — дейди саховат уйи директори ўринбосари Рустамжон Нишонов. — Гап уларнинг хайр-эҳсонида эмас, балки эътиборида.

— Ҳар бир йўқлаб келувчиларнинг ташрифи, кўнгил сўрашлари бизни тўлқинлантириб юборади, — дейди I-гуруҳ ногирони Худойберди Абдураззақов.

Унинг кўзларидаги қувонч ва ҳаёт завқини кўриб саволга тутамиз.

— Сиз учун энг унутилмас кун қайси?

— Шу даргоҳда қўним топган куним.

— Негалигини айта оласизми?

— ... Бундан 10 йил аввал оғир аҳволда келтиришганди, — дея чуқур сукутга чўмган Худойбердининг кўзларига ёш қалқийди. — Ўшанда ҳаётдан тўйиғандим... Чунки кераксиз бир буюмдай бўлиб қолгандим-да. Ҳатто овқатни ҳам ўзим ея олмасдим. Бу ерда ходимлар мени меҳр ила парваришлашди. Мана, кўриб турибсизки, овқатимни ҳам ўзим еяпман. Зерикиш йўқ. Аравачамда атрофларни айланаман. Энг асосийси бугун ҳаётдан завқ олаяпман...

У ердаги Ирина Зайцева, Сотволди ота Қаҳҳоров, Турсуной Матхолиқова, Муҳаммад ота Ҳурилов каби 150 га яқин кекса ва ногиронлар учун бу маскан муқаддас гўшага айланган. Бу ерда ҳамма бир оиладек бўлиб қолган. Кимдир оғриганда ёки яқинлари бедодлигидан диллари вайрон бўлганда доимо бир-бирларига андармон.

— Саховат уйига бориб келганимдан кейин анчагача унинг таъсирида юраман, — дейди Саъдий маҳалласи маслаҳатчиси Фавзияхон опа Амирхонова. — Ўз кунимга шукур қиламан. Ибрат учун ҳам шундай жойларга тез-тез бориб туриш керак экан. Қани энди ҳар бир юртдошимиз шу фикрга қўшилиб, хулоса қилса.

Бу даргоҳнинг ҳомийлари ҳам анчагина экан. Уларнинг рўйхатига назар солсангиз ҳар ким баҳоли қудрат, қучи етганча топган нарсасини олиб келганини кўриш мумкин. Ўтган йилда саховатлиларнинг саховатлиси «Ҳамкорбанк» бўлди десак янглишмаган бўламиз. Банкирлар мустақиллик байрами арафасида «Тико» енгил автомашинасини ҳадя этишди. Андижон вилоятидаги 3 та Мурувват ва Меҳрибонлик уйларида ҳам эзгу ишлар амалга оширилди.

— Бу йил менинг ҳаётимда катта из қолдирди, — дейди Қўрғонтепадаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Алишер Умрзақов. — Туман ҳокимлиги, «Деҳқон бозори» маъмурияти ва ўзим тарбияланаётган масканимиз ҳомийлигида шу туманда яшовчи Наргизахон Болтабоева билан никоҳ тўйимиз бўлди. Янада қувончлиси, бизга икки хонали уй ва оиламиз ҳисобига маблағ ўтказиб берилди.

Ҳаётда тақдир ҳукми ила ногирон бўлиб қолган, кўнгли ўксик, ҳамиша меҳр ва мурувватга муҳтож инсонлар кўпчиликни ташкил қиладилар. Бундайларнинг ногиронлиги ҳисобга олиниб, қонунлар билан алоҳида енгилликлар, имтиёзлар кўзда тутилган. Бир қараўда бу соҳада қонунда кўрсатилган вазифалар тўкис бажарилаётгандек. Ҳужжатлар, маълумотлар, ҳисоботлар мавжуд. Амалий ишлар-чи? Қонунда кўрсатилган вазифалар тўлиқ, сифатли бажарилянтими? Уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган ҳуқуқлари тўла амалга оширилянтими?

Саволларга жавоб излаганда лоқайдликлар, ногиронлар ҳуқуқларига менсимай қараш-лар илдиз отгани маълум бўлмоқда. Буни ҳар бир шаҳар ва туман прокуратураларининг текширишларида кўриш мумкин.

Ногиронларга нисбатан лоқайд муносабатда бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ҳозир уларнинг исм-шарифини келтириш ўрнига виждон ҳукмига ҳавола этайлик. Зора, қалб қулфи очилиб инсонийлик билан безансалар.

Ногиронлар ҳақида гап борар экан, улкан қалбли, метин ирода соҳибларига тўхталмай илож йўқ. Акрамжон Усивалиевни Булоқбоши туманида кўпчилик танийди. V I-гуруҳ ногирони бўлишига қарамай, ёшлигидан телевизор, радио-аппаратураларни таъмирлаш билан эл оғзига тушган. «Ижтимоий ҳимоя йили»нинг ҳаётида ўчмас из қолдирди. У Наврўз байрами арафасида компьютер хизмати ҳамда ўйинлар кичик корхонасини очди. Туман ҳокимлиги бунинг учун алоҳида жой ажратиб берди. 8 та компьютер ва техника воситалари ўрнатилган хона мижозлар билан доимо гавжум.

— Хусусий фирмани ташкил этишда икки акам ёрдам берди, — дейди Акрамжон. — Бу ердан топилган даромад уч оиланинг фаровон яшашига хизмат қилаяпти...

Ёш тадбиркорнинг режалари улкан. У аввало, фаолиятини кенгайтириб, телевизор тузатиш устахонаси, нусха кўчириш ишларини ташкил этмоқчи. Шунингдек, Акрамжон топган даромадининг маълум қисмини ўзига ўхшаган ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишга сарфлашни кўнглига тугиб қўйган.

Акрамжоннинг бу ишларини ишсиз юрган кўплаб бекорчиларга ўрнак қилиб кўрсатса арзийди. Тўрт мучаси соғ, билагида кучи тўлиб-тошгани ҳолда ишламай юришининг сабабини сўрасангиз «кўнглимдагидек иш йўқ» деган жавобни оласиз. Гўёки, уларнинг кўнглидагидек ишни топишга кимдир масъулдек. Бундайлар яна сурбетларча, «ҳа, Акрамжон битта чиқиб қолгандир-да» дейди. Уларнинг бу гапига жавобан яна бир марҳаматлик ажойиб инсонни мисол қилмоқчиман. II-гуруҳ ногирони Ортиқали ака Ҳусанов 55 ёшда. У айни кучга тўлган, навқирон 23 ёшида тўшакка михланиб қолади. Бировнинг ёрдамисиз тура олмайдиган йигитнинг руҳи тушмади. У даволанди, ўқиб-изланди. Ортиқали аканинг муаммолар ечимини топишга уриниши дардини енгиб ўтишга ёрдам берди.

Бугун Ортиқали ака Ҳусанов кўзга кўринган тадбиркор. У ташкил этган «Турон» ўқувчи ёшлар ва ногиронлар ўқув ишлаб чиқариш ва савдо марказида меҳнат қилаётган 17 нафар ходимнинг 9 нафари ногиондир.

— Инсоннинг имкониятлари чексиз экан, — дейди Ортиқали ака биз билан суҳбатда. — Фақат чин юракдан хоҳиш, умид бўлса, бас. У соғми, ногиронми фарқи йўқ.

«Турон» ўқув маркази хорижий тилларни ўргатиш, компьютер операторларини тайёрлаш, аҳолига компьютер хизмати кўрсатиш ҳамда ЭҲМ дастури таъминотини амалга оширишдек фаолият билан шуғулланади. Марказ шахмат-шашка клуби ва интернет кафесига ҳам эга. Ортиқали ака кўнгли ўксик, кам таъминланган оила фарзандларини ҳам ёдидан чиқармаган. Улар учун ўқув курсида таҳсил олиш имтиёзли.

Ижара биносида фаолиятини бошлаб, бугун муҳташам кошона эгаси бўлган О.Ҳусановнинг эзгу режалари бир олам. Биз ҳикоя қилган ҳар икки метин иродали, улкан қалбли инсонга ва уларга ўхшаш эзгу ниятли кишиларга соғлик, бахт ва омад доимо ёр бўлсин.

Мавзу баҳона яна бир карра якка-ёлғиз ва ногирон кишилар ҳаётига назар солдик. Мақсад ўксик диллар ўксимасин, қалблари доимо қувончга тўлсин, дейміз. Зеро, улар меҳр ва мурувватга кўпроқ ташна инсонлардир.

Маҳпуратхон ОРТИҚОВА,
журналист

Суратда: *Андижон шаҳар ижтимоий таъминот бўлимининг ижтимоий хизматни қўллаб-қувватлаш гуруҳи раҳбари Д.Усмонова ва хизмат кўрсатувчи ходима Ф.Сатторова ёлғиз пенсионер Е.Димченко уйига ташриф буюришган пайт.*

А.ТОШМАТОВ олган сурат.

Кейинги босқич – биомеханика

Пойтахтимиздаги «Травматология ва ортопедия» институти ёнида Протез-ортопедия маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси жойлашганлигини кўпчилик ҳам билавермайди. Бу ерда ногиронларга, фалокат туфайли у ёки бу таянч аъзоси шикастланган кишиларга протезлар тайёрлаб берилади. Биз борганимизда у ерда 2007 йил якунлари сарҳисоб қилинаётган экан. Корхона раҳбари Илҳом АБДУЛЛАЕВ корхона фаолияти билан таништиришни айнан йил якунларидан бошлади.

— Бизнинг корхонамиз хўжалик ҳисобида иш юритсада, фаолиятимиз «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» вазирлиги томонидан молиялаштирилади. Яъни биз ногиронлардан хизматимиз учун ҳеч қандай ҳақ олмаймиз. Барча харажатлар юз фоиз давлат ҳисобидан қопланади. Давлат ҳомийлиги туфайли 2007 йилда 8696 та протез-ортопедия маҳсулотлари тайёрлаб берилди. Шу йўл билан 4920 нафар ногиронларнинг мушкули осон қилинди. Фалокат сабаб қўмакка муҳтож бўлиб қолганларга ёрдам берганимиздан жуда хурсандман.

— Протез-ортопедия маҳсулотлари ногиронларни жамиятга қайтаришда қанчалик аҳамиятга эга деб ҳисоблайсиз?

— Рости, хизмат юзасидан кунига ўнлаб ногиронлар билан мулоқотда бўлишга тўғри келади. Уларнинг аксариятини тушкун кайфиятда кўриш биз учун осон эмас. Ўзаро суҳбатларда «энди биз ҳеч кимга керак эмасмиз, бошқаларга ортиқча юк бўладиган бўлдик» деган фикрни кўп такрорлашганида, уларнинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қиламиз. Тайёр бўлган протезлар қўл келганида эса улар руҳий жиҳатдан анча ўзларига келиб қолишади. Бизнинг ҳам асосий мақсадимиз шу — ногиронларнинг имкон қадар тезроқ жамиятга интеграциялашувини таминлаш, уларнинг психологик реабилитациясига кўмаклашишдан иборат. Содда қилиб айтганда, жисмоний камчилиги туфайли ҳеч кимнинг кўнгли ўксимаслиги шарт.

— Тайёрланаётган маҳсулотлар беморлар талабини тўлиқ қондираяптими?

— Замон шиддат билан илгарилаётир. Ҳозир биз асосан косметик протезлар тайёрлаймиз. Масалан, қўл кафтининг пластик модели уни тақ-ган шахсга бирор буюмни ушлаш имконини бермайди. Шу нуқтаи назардан бизда тайёрланаётган протезлар, аппаратлар, туторлар, корсетлар замон билан ҳамоҳанг тарзда янада мукаммаллаштириб борилмоқда. Келгусида ортопедия-протез маҳсулотларини нафақат пластика ёки чармдан, балки инсон танасига осон бирлашиб кетадиган материал — силикондан тайёрлашни ҳам йўлга қўймоқчимиз. Шу ўринда ўз-ўзидан биомеханик протезларга ҳам зарурат туғилаётир. Яъни, узилган нерв толаларини қўйилган протезнинг электрон мосламаларига улаш имконини берувчи технологияни олиб кириш. Шу йўл билан инсон қўли ёки оёғининг ўрнини босувчи биомеханик протезларни ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз.

Абдурахмон МУСТАФОҚУЛОВ

Балои нафс ғирдоби

Уйнинг эшиги очиқ эди. «Яна маст, эшикни беркитишни ҳам унутиб ухлаб ётибди, шекилли». Ичкиликка ружу қўйгани туфайли уч йил аввал қайнотаси Тошкентда даволатди. Умуман ичмай қўйди. Қўйдай ювош тортди. Тағин устачилик қила бошлади. Лекин... Уч кун аввал кечки пайт кайфи тароқ ҳолда кириб келди. «Тағин бошладизми ичишни?» «Озгина пиво...» «Пивога шунчалик маст бўладими одам?» Сабрийнинг жаҳли чиқиб сўкинди. Бир мушт солди. Шоҳиста қизи билан қўшнисиникига қочиб чиқди. Эри эшикни тақиллатганида қўшни аёл, «меникида йўқ хотининг, ҳозир милиция чақираман» деганди, Сабрий уйига кириб кетди.

Шоҳиста қизини олиб отасининг уйига жўнади. «Инсофга кириб қолар» дея отаси шаштидан туширди. Икки кун ўтиб, учинчи куни кечқурун Қувасойдаги уйига қайтди. Даҳлиз чироғини ёқиб, шолчадаги қон ҳалқобини кўрди-ю, қўрқиб кетди. Қўшниларни чақирди. Улар ичкарига киришди. Ичкарида, каравотда боши мажақланган нотаниш одам ётарди. Нафас олмасди. Уйга қандай кирди? Сабрийнинг ўзи қаерда? Наҳот...

Шоҳиста қўшнининг уйидан милицияга, «тез ёрдам»га қўнғироқ қилди.

* * *

Улар бир-бирига кўнгил қўйиб, турмуш қуришганди. Сабрийнинг қўли гул уста, машиналарни тузатиб, дурустгина пул топарди. Лекин ичкиликка ружу қўйиб, топганини елга совурарди. Турмуш қурганларига тўрт йил бўлганида судланди. Амнистия билан жазони ўташдан озод этилди. Тағин ичкиликка берилгач, Шоҳиста ажрашди. Сабрий алкоголизмдан даволанганидан кейин, ярашиб яна бирга яшай бошлашди.

У эрталаб боши оғриб уйғонди. Уйда хотини ва қизи йўқ эди. Жанжални эслади. Шаҳар матлубот жамиятининг эски омборига, отасининг ёнига борди. Кечки пайт қайтганида эшикка қоғоз қистирилган эди. «Калит Роза опада».

Эрталаб эшик қўнғироғи жиринглади. Нотаниш йигит, «мошинамни тузатиб беринг» деб илтимос қилди. Машинани кўздан кечириб, «эҳтиёт қисмларини алмаштириш керак, Марғилон бозоридан топса бўлади», деди. Йигит қўлига йигирма минг сўм тутқазди. «Бозордан ўзиз опкелиб қўярсиз». Маршрутли такси бекатига бораётиб, тағин «томоғи тақиллади». Гулнора опанинг уй-дўконига бурилганида улфати Тоҳиржон билан кўришди. Кўпқаватли уйда жойлашган дўкон ёнидаги хонадонда усталар ишлашаётган эди. Бориб кўришди. Дўкондан пиво олди. Таниш аёл биринчи қаватда, уйи олдидаги сўрига кўрпача тўшаб берди. Пиво ичиб ўтиришганида кўчадан Мўмин тоға ўтиб қолди. У етмиш ёшга бориб қолган, дадасининг қалин оғайниси эди. Мўмин тоға фарзанд кўрмай, хотини билан ажрашган, шу яқиндаги ҳовли уйида ёлғиз яшарди. Сабрий билан кўришиб сўрига ўтирди. Тоҳиржон зарил иш бор эди деб кетиб қолди. Сабрий устанинг шогирдига пул берди. «Пиво опкел!» Мўмин тоға «мен бераман» деб чўнтагидан газета бўлагига ўралган пулни чиқарди.

— Қўйимни сотдим...

— Сиз қўяверинг, — Сабрий унга тўлатмади. Икки соатча гаплашиб ўтиришди. Ўн шиша пиво, битта ароқни бўшатишди. Гаплари алмойи-алжойи бўлиб қолгач, уй бекаси, ташқаридаги сўри эгаси, уларни ҳайдаб солди. «Запчастнинг пулини ишлатвордим-у», калласига урилди Сабрийнинг. «Мўмин тоғанинг пуллари...» Нон заводи тарафга боришаётганида унинг феъли айниди.

— Чанқадим, чойхонага юр, — деди Мўмин тоға.

— Бизникига юринг, бемалол ўтирамиз.

Кўпқаватли уйнинг подъездидан кўтарилишди. Даҳлизда пойафзалини ечаётганида Сабрий икки тарафи юмалоқ темир тош — гантел билан чолнинг бошига солди. Йиқилгунча ураверди. Сўнгра уни ичкарига кўтариб кириб, каравотга ётқизиб қўйди. Беихтиёр қонаган боши остига сочиқ қўйди. Чўнтагидан ҳалиги қоғозга ўроғлиқ пулни олиб, кўчага чиқиб кетди. Яна дўконда «юзта» ароқ отди. Таняни эслади. Кўпқаватли уйдаги хонадонида Таня ёлғиз эмас, қизчаси ва дугонаси Наташа билан ўтирган эди.

«Запчастнинг пулини ишлатвордим-у», калласига урилди Сабрийнинг. «Мўмин тоғанинг пуллари...» Нон заводи тарафга боришаётганида унинг феъли айниди.

— Юринглар, айлантириб келаман.

Татяна аввалига кўнмади. Сабрий бир даста пулни чиқариб, сизларни бир меҳмон қилай, дегач кийиниб таранди. Қизчаси ҳам эргашди. Катта кўчада Сабрий такси тўхтатди.

— Фарғонага, Охунбобоев массивига...

Кечқурун саккизларда «Назокат» кафесига кириб боришди. Овқатланиб, ароқ ичиб яйраб ўтиришди. Сабрий уйида боши мажақланиб ётган Мўмин тоғани хаёлидан чиқариш учун ўлгудай ичди. Пулни орқа-олдига қарамай сочаверди. Ўтириш охирида ҳисоб-китоб қилгач, «бойвачча»нинг чўнтагида ҳемири ҳам қолмади. Охунбобоев мавзесидан пиёда Фарғона — Қувасой йўлига чиқишди. Наташа Танянинг қизи билан анча олдинда, йўловчи машиналарга қўл кўтараётган эди. Сабрийнинг яна ароқ ичгиси келди.

— Пул бериб тур, — деди Таняга.

— Пулим йўқ!

У аёлни бир уриб йиқитди, тураётганида яна урди. Бармоғидан узуги, қулоғидан сирғасини ечиб олди. Тағин ўша кафега қайтди. Унинг эгаларига узукни 40 минг сўм, сирғани 20 минг сўмга арзон-гаров пуллаб, тағин маишатга берилди.

* * *

— Бу одамни танимайман, — деди Шоҳиста терговчига. — Икки кун олдин дадамнинг уйига кетувдим. Қайтиб келсам... Топволди акадир балки. Эримнинг акасининг оғайниси...

ИИБ ходимлари суриштириб боришганида Ружий ҳайрон бўлди.

— Ана Топволди...

— Юринг-чи, балки танирсиз...

Ружий мурдани таниди.

— Дадамнинг ўртоғи, Мўмин тоға бу...

— Укангиз Сабрий қаерда?

— Билмадим, уч-тўрт кун аввал кўрганман.

Терговчининг телефони жиринглади.

— Қидирувдаги одамга ўхшайди, — деди Фарғона — Қувасой йўлидаги постда турган милиция ходими.

Сабрий маст эди. Охунбобоев мавзесида қаерда ётиб қолганини эслолмасди. Эртаси куни пиёда Қувасойга қараб бораётганида ИИБ ходимлари тўхтатишди.

Сабрий Блалов айбига қисман иқрор бўлди.

— Ҳа, ўша куни бирга ичдик. Уйга кираётганимизда Мўмин тоға гантелга қоқилиб йиқилай деди. Мени куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилди. Маст эдим. Ғазабим қайнаб, гантел билан бошига солдим. Неча марта урганимни эслолмайман. Ҳушидан кетгач, уйдаги каравотга ётқизиб, бошининг тагига сочиқ қўйдим. «Тез ёрдам» чақиргани кўчага чиқдим. Тағин ароқ ичгим келди. Ичиб олганимдан кейин Мўмин тоға хаёлимдан кўтарилди. Таниш аёлнинг уйига бориб, уни қизи, дугонаси билан бирга Фарғонага опкетдим. Мўмин тоғани ўлдириш ниятим йўқ эди. Мастлигимда сўккани учун ўзимни тўхтата олмадим... Бир ичишни бошласам, ўзимни тўхтата олмайман. Йўлда йўловчи мошина тўхтатаётиб тағин ичгим келди. Таня пул бермагани учун уни уриб, тақинчоқларини олиб қўйдим. Уларни сотиб, пулига яна ичдим...

Суд жараёнида Сабрий Блалов кекса одамни, отасининг ўртоғини балои нафс гирдобида пулини тортиб олиш ниятида шафқатсизларча уриб ўлдиргани ўз исботини топди. Қотил узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Сарвар БОЗОРОВ,
Республика Бош прокуратураси бошқарма прокурори.
Ахрор АСҚАРОВ,
Фарғона вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

2007 йилнинг 22 июни. Пойтахтимизнинг Миробод туман ички ишлар бўлимига икки ҳамшаҳримиз ариза билан мурожаат қилишади. ИИБга ҳар куни ўнлаб фуқаролар турли масалаларда мурожаат қилишлари маълум. Аммо бу икки фуқаро аризасида келтирилган важлар одатдагидан анча фарқ киларди.

ФИРИБГАР «ЖАБРЛАНУВЧИ»ЛАР

Ҳуқуқ-тартибот органига мурожаат қилган икки фуқаро — Шуҳрат Абдиев ва Абдумутал Жавлоновлар (исм-фамилиялар ўзгартириб берилмоқда) ўз аризаларида қандайдир А.Шерволиев ва И.Салимов деган шахслар улардан товламачилик йўли билан 25 минг АҚШ доллари талаб қилишаётганини кўрсатишади. Шунингдек, аризачилар товламачилар кўрсатилган суммани бермаганликлари учун А.Жавлоновни бир кеча гаровда ушлаб туришгани ва жисмоний тазйиқ ўтказиб, калтаклашганини ҳам илова қилишган. Турган гапки, қисқа муддат ичида жиноят иши қўзғатилиб, тезкор тадбир режаси ишлаб чиқилди.

Дастлабки суриштирувга жалб қилинган аризачи-жабрланувчиларнинг бири хусусий тадбиркор, иккинчиси Тошкентдаги нуфузли олий ўқув юртида катта ўқитувчи бўлиб ишлар экан. Уларнинг қатъият ва дадиллик билан гапиришлари, шу билан бирга ўзларини жабрдийда одамлардай тутишидан ҳуқуқ-тартибот ходимлари ҳақиқатан ҳам ЖКнинг 165-моддаси, 3-қисми «а» бандида кўрсатилган жиноят содир этилган деган тўхтамга келишди. Ишлаб чиқилган тезкор тадбир натижасида «товламачилар» А.Шерволиев ва И.Салимовлар қисқа муддат ичида «жиноят устида» қўлга олинди.

Биз «товламачилар» ва «жиноят устида» атамаларини бежизга қўштирноқ ичида айтаётганимиз йўқ. Сабаби...

Ҳаммаси ўша воқеадан бир ой олдин бошланган экан. Тинчгина тадбиркорлик билан шуғулланиб юрган А.Шервалиев ва И.Салимовлар фаолиятларини янада кенгайтириш учун банкдан кредит олиш ҳаракатига тушиб қолишади. Турган гапки, банкдан кредит олиш кўпчилик ўйлаганидай осон иш эмас. Айниқса, гап оз эмас, кўп эмас, нақд 600 миллион сўм устида кетаётган бўлса. Мана шундай катта ресурслар билан юрган икки тадбиркорнинг жонига А.Жавлонов «оро» киради. Аслида, банкдан катта миқдорда кредит олиш ғоясини ҳам тадбиркор оғайниларга у берган эди. А.Жавлонов ўзининг катта даргоҳда дарс бериши, банкларда анчамунча шогирдлари борлигини айтиб, тадбиркорлар ишончига киради. Бир муддат ўтиб эса, уларга ҳамтовоғи Ш.Абдиевни банкдан кредит олиб берувчи шахс сифатида таништиради. Хуллас, ўртада битим тузилади. Битимга кўра Ш.Абдиев ўз номига 600 миллион сўм кредит олиши ва унинг 200 миллионини тадбиркорлар А.Шервалиев ва И.Салимовларга бериши керак бўлади.

Бир муддат ўтиб, А.Жавлонов тадбиркорларга учрашиб, кредитни расмийлаштириш учун 20 минг АҚШ доллари керак бўлаётганини айтади. Тадбиркорлар ҳеч иккиланмай рози бўлишади. Ахир, 200 миллион сўм олдида 20 минг доллар нима деган гап? Мана шу жойда улар тузоққа тушишади. Аммо тадбиркорлар ҳам аноийи эмас экан: Ш.Абдиев ва А.Жавлоновларга 19 минг 500 АҚШ долларини бера туриб, тилхат ёздириб олишади.

Кўз очиб юмгунча кунлар, ҳафталар ўтиб кетади. Белгиланган муддат тугайди ҳамки кредитдан дарак бўлмайди. Бу ҳам етмагандай, 19 минг 500 долларни қайтаришни ҳам пайсалга сола бошлайдилар. Тадбиркорлар алдангандикларини тушуниб, фирибгарларни қидиришга жиддий киришадилар. Бу орада Ш.Абдиев ва А.Жавлоновлар пулни бўлиб олишиб, ўз билганларича сарф қилиб юборишган эди.

«Мол аччиғи — жон аччиғи» деган гап бор. Тадбиркор А.Шервалиев ва И.Салимовлар минг машаққатда топган пулларини фирибгарларга индамай бериб қўядиган йигитлардан эмас экан. Фирибгарларни топиб, пулни қайтаришни сўраб қистовга олишади. Турган гапки, ўртада қаттиқ-қурум гаплар ўтади. Натижа бўлмаса, тегишли жойга мурожаат қилишларини айтишади. Аммо, фирибгарлар улардан олдинроқ отни қамчилашади ва ўзларини жабрланувчидек кўрсатиб, гўёки товламачилар тазйиқига учраган фуқаролардай ҳуқуқ-тартибот органига мурожаат қилишади. Ҳатто А.Жавлонов А.Шервалиев ва И.Салимовлар уни бир кун гаровда ушлаб туришгани-ю, калтаклашгани ҳақида чўпчак тўқишга ҳам улгуради.

Бироқ дастлабки тергов жараёнидаёқ масала ойдинлашади. Жабрланувчи сифатида ариза берган А.Жавлонов ва Ш.Абдиевларнинг аслида фирибгарлар эканлиги ўз исботини топади.

Судда ўз айбларига тўлиқ иқрор бўлган ҳар икки фирибгар оилавий шароитларини, қилган ишларига астойдил пушаймон эканликларини пеш қилишди. Лекин улар бошқалар ҳам ўзлари каби инсон экани, уларда ҳам оила, шаън, қадр-қиммат борлигини нега ўйлашмади экан? Наҳотки, бир даста пулни деб икки инсон ҳаётини издан чиқариб юборишлари мумкинлигига ақллари етмаган уларнинг? Афсуски, орамизда шундай одамлар ҳам бор...

Суд ҳукми билан улар қилмишларига яраша жазоларини олишди. «Бировга чуқур қазисанг, ўзинг йиқиласан» деганлари шу эмасми?

Азамат ҲАЛИМОВ,
Миробод туман прокурорининг ўринбосари

Депутат ўлдирилди

Кенияда мухолифатчи депутат ўлдирилганидан сўнг тартибсизликлар янада авж олди. Мухолифат етакчиси Райл Одинга ушбу қотилликка ҳукуматнинг алоқаси борлигини таъкидламоқда. Депутат Мугабе Вере душанбадан сешанбага ўтар кечаси, ўз уйи олдида отиб ўлдирилган. Ҳалок бўлган сиёсатчи Райл Одинга раҳбарлигидаги «Orange Demokratic Movement» партияси аъзоси эди. Қотилликдан хабар топган минглаб мухолифат тарафдорлари Найроби кўчалари ҳамда мамлакатнинг ғарбий ҳудудларида оммавий норозилик намойишларини ўтказдилар. Намойишчиларнинг полиция билан тўқнашуви катта тартибсизликлар вужудга келишига сабаб бўлди. Сўнгги маълумотларга қараганда, ўша куни рўй берган тартибсизликлар натижасида 13 киши ҳалок бўлган, жароҳатланганлар бор, деб хабар қилади «AFP» ахборот агентлиги.

«Омадсиз жентелменлар»

Венесуэла марказидаги Альтаграсиа де Оритуко шаҳри банкида ўнлаб фуқароларни гаровда ушлаб турган босқинчилар полицияга таслим бўлишди, деб хабар беради «France Presse» ахборот агентлиги.

Маълум бўлишича, душанба куни эрталаб маҳаллий вақт билан соат 10-00да тўрт нафар қуроллланган шахс «Banco Provincial» банкига бостириб кирган. Улар пулларни олиб, воқеа жойидан яширинмоқчи бўлишганда полициячилар етиб келгани боис банк ичига қайтиб кириб, у ердаги одамларни гаровга олишган. Босқинчилар икки кун давомида гаровдагиларни ушлаб туришган. Узоқ давом этган музокаралардан сўнг, маҳаллий ҳокимият жиноятчиларнинг талабини қондириб, уларга қочишлари учун тез ёрдам машинасини беришга рози бўлган. Босқинчилар ўзлари билан олти кишини олиб, воқеа жойидан яширинишган. Бир неча соатдан сўнг автомашина изига тушишга муваффақ бўлган полициячилар тез ёрдам машинасини мамалакат пойтахти Каракасга олиб борадиган шосседа қуршаб олишган. Шундан сўнг «ишбилармон» жиноятчиларнинг полициячиларга таслим бўлишдан ўзга чоралари қолмаган.

ДИССИДЕНТ ҲИБСДА

Сурияда таниқли диссидент Риад Сеиф ҳибсга олинди, деб хабар қилади «Associated Press» ахборот агентлиги. Риад Сеифнинг ҳибсга олиниши билан боғлиқ аниқ маълумотлар ҳозирда ошкор этилмаяпти. Аввалроқ, Сурия ҳукумати Риад Сеифга мамлакатдан чиқиб кетишни маън қилганди.

Риад Сеиф Хафиз Асаднинг ўлимидан сўнг юзага келган «Сурия баҳори» даврининг кўзга кўринган сиёсатчиларидан биридир. Ўша вақтда мамлакатнинг ҳозирги раҳбари Башар Асад мухолифатчи гуруҳлар йиғилишини ўтказишга рухсат берганди. Бир йил ўтар-ўтмас Башар Асад бу қарорини ўзгартирган ва мамлакатда яна мухолифатчилар қувғини бошланган.

Сўнгги вақтгача Сеиф 2005 йилда бешта кичик мухолифатчи партиялар бирлашувида ҳосил бўлган «Дамашқ декларацияси гуруҳи» ташкилотининг котибиятига бошчилик қилган. Декларацияни имзолаган мухолифатчилар Сурияни тинч йўл билан демократик давлат тизимига ўтказилишини қўллаб-қувватлаш учун халқаро ҳамжамият эътиборини қаратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйдилар. 2007 йилнинг декабрида мамлакатда демократик ислоҳотлар ўтказилишини талаб қилиб намойишлар ўтказган «Дамашқ декларацияси гуруҳи» ташкилоти аъзолари Сурия ҳукумати томонидан яна таъқибга учрадилар.

«Партизан» қамалди

АҚШ суди Колумбия марксистик ташкилоти аъзоси, таниқли «партизан» Рикардо Пальмерани АҚШ махсус хизмати ходимларидан уч нафарининг ўғирланишида айбдор деб топиб, 60 йил қамоқ жазосига ҳукм қилди, деб хабар қилади «BBC» ахборот агентлиги. Гап шундаки, 2003 йилда Колумбия ҳудудида кокаин моддасининг асоси бўлмиш коко ўсимлигининг ноқонуний плантацияларини аниқлаш мақсадида бир гуруҳ америкалик махсус хизмат ходимлари самолётда рейдлар ўтказишган. Бироқ, самолёт техник носозлик туфайли ҳалокатга учраган. Хабарларда айтилишича, омон қолган АҚШ махсус хизматининг уч нафар ходими Колумбия Революцион ҳарбий кучлари томонидан гаровга олинган. Пальмера эса уларни озод этиш бўйича олиб борилган музокараларда Колумбия Революцион кучлари томонида иштирок этган вакил экан. Лекин, у ҳеч қандай музокараларда иштирок этмаганлигини ва гаровдагиларни умуман кўрмаганлигини таъкидламоқда. «Симон Тринидад» тахаллуси билан танилган Пальмера бу айбни инкор этди. Шу билан бирга у ҳақиқатан КРҲҚ-га аъзо эканлигини тан олди. Аввалроқ, КРҲҚ раҳбарияти Пальмера ташкилот бошқаруви тизимига кирмаслигини, у фақатгина «буюк партизан» эканлигини қайд этишганди.

Рикардо Пальмера 2004 йилда Эквадор пойтахти Китода Колумбия ҳамда АҚШ махсус хизматларининг ҳамкорлиқда ўтказган операцияси давомида ушланганди. Бир йил ўтгач, у АҚШга экстрадиция қилинган.

Колумбия ҳукуматининг таъкидлашича, ҳозирда Колумбия Революцион ҳарбий кучлари қўлида 750 нафар киши гаровда сақланмоқда. Мазкур ташкилот АҚШ ва Европа Иттифоқи давлатларида террористик уюшма ҳисобланади. КРҲҚ ташкилоти гаровдагиларни (улар орасида уч нафар америкалик ва Колумбия президентлигига собиқ номзод Ингрид Бетанкур ҳам бор) Колумбия қамоқхоналарида сақланаётган ташкилотнинг 500 нафар аъзосига алмаштиришни таклиф қилаяпти. КРҲҚ ҳамда мамлакат ҳукумати ўртасида ўтган йили бўлиб ўтган музокаралар самарасиз якун топганди. Лекин, шунга қарамай Венесуэла Президенти Уго Чавес ҳамда Қизил Хоч вакиллари воситачилигидаги музокараларда исъёнчилар ўз томонидан икки нафар гаровдагиларни озод этган.

ЯНА БИР УЛЬТИМАТУМ

Грузияда сиёсий вазият тобора кескинлашмоқда. Мухолифатчилар республика ҳукуматига янги, ўз ичида 17 талабни қамраб олган ультиматумни тақдим этдилар. Жумладан, мухолифатчилар халқаро кузатувчилар иштирокида 5 январда бўлиб ўтган президентлик сайловларида қатнашган сайловчилар овозларини қайтадан санаб чиқишни, сайловлар куни аниқланган қонунбузилишларни тергов қилиш ва жиноят кодексига кўра айбдорларни жазолашни ва яна бир қатор талабларни илгари суришган. Шунингдек, улар мамлакат ички ишлар вазири Вано Мерабишвилининг истеъфога чиқарилишини ва ички ишлар вазирлиги таркибига кирувчи тизимларни қайта ташкил этишни ҳам талаб қилишмоқда. Мухолифатчилар агарда ҳукумат мазкур ультиматумни инкор этса, у ҳолда мамлакатда умумхалқ ҳаракатининг иккинчи тўлқинини бошлашга ваъда беришаяпти.

Грузия Бош прокурори Зураб Адеишвили истеъфога чиқди. Маълумотларда айтилишича, мамлакат бош вазири Владимир Гургенидзе янги ҳукумат таркибини эълон қилгач, Адеишвили ушбу қарорга келган. Чунки янги ҳукумат таркиби эълон қилинаётганда Бош прокурор лавозимига ҳозирда адлия вазири вазифасини бажарувчи Екатерина Ткешелашвили номзоди кўрсатилган. Бугун Грузия парламенти депутатлари янги ҳукумат таркибини кўриб чиқадилар. «Новости-Грузия» ахборот агентлигининг хабар беришича, 2004 йилдан Бош прокурор лавозимини эгаллаб турган Адеишвилига мамлакат президенти маъмурияти раҳбари лавозими таклиф қилиниши ҳам мумкин.

Қолган 32 миллион қаерда?

Лондоннинг жиноят ишлари бўйича Олд Бейли суди мамлакат тарихидаги энг катта банк босқинчилиги жиноятини содир этган тўрт нафар судланувчини 15 йил қамоқ жазосига ҳукм қилди. Булар Ли Раш, Стюарт Ройл, Жетмир Букпап ва Рожер Кутслардир. Жиноят гуруҳининг бешинчи аъзоси, босқинчиларга банкнинг Кент графлигида жойлашган Тонбриждаги ғазнаси тўғрисида ахборот берган Эмир Хисенаж 10 йилга қамалди. Шу билан бирга ўғирланган пулларни сақлашда айбланган яна бир судланувчи Кейт Борер суд томонидан тўлиқ оқланди. Шунингдек, айбловлар автомобил сотувчиси Жон Фаулердан ҳам олиб ташланган, деб хабар қилади «Sky News» телеканали.

Эслатиб ўтамиз, мазкур жиноят 2006 йилнинг 22 февралига ўтар кечаси содир этилганди. Полициячилар кийимини кийиб олган жиноятчилар банк менежери автомашинасини гаровга олиб, банк ғазнасига кириб олишган. Босқинчилик натижасида 53 миллион фунт-стерлинг ўғирланган. Бугунга қадар полиция ушбу пулларнинг фақат 21 миллионини топишга муваффақ бўлди.

Ким айбдору кимга зарар?

Белорус адлия вазирлиги Белорус-Польша чегарасида рўй берган вазият туфайли халқаро суд инстанцияларига даъво билан мурожаат этиши мумкин. Адлия вазирлиги вакилларининг айтишича, икки давлат чегарасида юзага келган вазият халқаро ҳуқуқ, жумладан, Жаҳон Савдо Ташкилоти меъёрлари ва принципларига зиддир. Бундан ташқари, расмий Минскнинг фикрича, Польша божхоначиларининг намойиши инсон ҳуқуқларининг поймол этилишига олиб келди.

Аввал хабар қилинганидек, Польша божхоначилари ўтган ҳафтадан бери ўз маошларини оширишни талаб қилиб ишга чиқишмаяпти. Ҳукумат божхоначилар маошини 500 злотих(200 АҚШ доллари)га оширишга ваъда бераяпти. Улар эса бундан уч баробар кўпроқ маошни талаб қилишмоқда. Душанба кунига келиб, Белорус-Польша чегарасининг айрим ўтиш пунктларида навбатда турганларнинг узунлиги 40 километрга етди. Белорус транспорти вазирлиги Польша божхоначилари намойишидан мамлакатга етказилган зарар миқдорини бир неча ўн миллион долларга етганлигини таъкидламоқда.

Қонун ҳам жазолайди, ҳам ҳимоя қилади

«Интерфакс» ахборот агентлигининг хабар беришича, Карачаево-Черкесс республикасида қотил ва зўравон суд залидан озод этилди.

Шу ерда истиқомат қилувчи Иван Кузьменко бир неча қотилликлар ҳамда зўрлаш жиноятларини содир этганликда, шунингдек, сохта ҳужжатлардан фойдаланганликда айбдор деб топилганди. 1990-1992 йилларда у уч нафар аёлни зўрлаб, ўлдирган. Шундан сўнг, сохта паспорт сотиб олиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан қочиб юрган. Охир-оқибат 2007 йилнинг февралида Кузьменко ҳибсга олинган ва Карачаево-Черкесс Олий суди уни 12 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган. Бироқ, Россия қонунчилигига мувофиқ агарда жиноят содир этганлик ва жиноятчи ушланганлиги ўртасидаги давр 15 йилдан ошса, жиноятнинг даврийлик муддати ўтиб кетади. Кузьменко ишида ҳам худди шундай ҳолат рўй берди. 1990-1992 йилларда ҳамда 2007 йил ўртасида 15 йиллан ошиқ муддат бор. Шу боис, суд жиноятчини 12 йилга ҳукм қилган бўлсада, судланувчини жазони ўташдан озод қилишга мажбур бўлди.

МАЖБУРИЙ ҚЎНИШ



Сешанба куни Болгария президенти Георгий Пирвановнинг самолёти Азор оролларида мажбурий қўнишига тўғри келди. «AFP» ахборот агентлигининг хабар беришича, Мехикога йўл олган Пирвановнинг самолёти Атлантика океанидаги Португалияга тегишли мазкур оролларга қайта ёқилги қуйиш учун қўнган.

Гап шундаки, авиалайнер ҳавога кўтарилгач, учувчилар ер усти хизматларига мурожаат қилиб, шошилинч қўнишга рухсат беришни сўрашган. Маълумотларда айтилишича, самолёт двигателларидан бирига қуш урилиб кетиши сабабли ишлан чиққан ва шу боис учувчилар шошилинч қўнишга мажбур бўлишган.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Республика Бош прокуратураси жамоаси ва фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийси **Файзуллахўжа ЮНУСХЎЖАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор қилади.

Сирдарё вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Насиба Бегимовага падари бузруквори **Худойберди БЕГИМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Сафар КАТТАБОЕВ

АЁЛ ИЗИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда).

Йўқ, милиция ходимлари аллақачон яқин атрофдаги уйларни текшириб чиқишди. Бу уйларда кечаси ҳеч ким бирон-бир шовқин эшитмаган. Бу аёл бу уйларда яшамаган ва келмаган. Кеча ёки бир неча кун аввал ҳеч ким бу аёлни кўрмаган. Демак, қидирув доирасини янада кенгайтириш, қўшни уйлар, кўчалардан, маҳаллалардан суриштиришни давом эттираверши керак.

Чунки қотиллик шу атрофда бўлган. Шаҳарнинг бошқа четида ўлдириб, айнан шу ерга келтириб ташланмайди. Бу жой шаҳарнинг деярли ўртаси. Қотил ўзи ҳам шу атрофда яшайди ва бу жойларни яхши билади. Унинг транспорти йўқ. Унда нима билан олиб келган? Фақат икки киши бўлиб кўтариш мумкин. Лекин икки киши наҳот анча узоқ жойдан жасадни кўтариб юради. Чунки қотиллик уй ичида содир қилингани кўриниб турибди. Телефон сими, чойшаб фақат уйда бўлади. Бу аёлни кўчада тасодифан учратиб, тўсатдан ҳужум қилиниб содир қилинган қотилликка ўхшамайди. Агар бу воқеа шу атрофда бўлганда, оёқ кийимлари ҳам шу атрофдан топилган бўларди.

Демак, навбатдаги тахмин. Қотиллик бу ерда содир қилинмаган, уни бошқа жойда ўз танишлари ўлдирган. Бундан чиқди қотилни марҳуманинг танишлари орасидан қидириш лозим.

Хўш, биронта уй ичида ўлдирилди ҳам дейлик. Қотилнинг транспорти бўлмаса, жасадни наҳотки кўчада икки киши кўтариб шу ергача олиб келган бўлса? Нега кўчада кўтариб юришдан қўрқишмаган? Ахир, катта шаҳар, одам кўп.

Бир-бирини инкорқилувчи буқарама-қарши тахминларга фақат жиноят тўлиқ фош қилингандан сўнг жавоб топиш мумкин.

Мана, судмедэксперт ҳам ўзининг дастлабки хулосаларини айтади.

— Ёши 30-35 ларда. Баданида кўзга кўринарли тан жароҳатлари йўқ. Ўлганига 8 соатлар бўлган. Эҳтимол, телефон сими билан буғилгандир. Буни фақат ёриб кўриб аниқлаш мумкин. Ўзига қараб юрадиган аёлга ўхшайди, дид билан кейинган. Менимча, қаергадир бориш учун ўзига оро берган. Кўзининг тагидаги кўкарганга ўхшаш доғ ҳам жароҳат оқибати эмас, кремнинг намдан ҳосил бўлган изи.

Шу ерда холис бўлиб қатнашаётган ёши каттароқ аёл гапга аралашади.

— Бечорани ўлдиришаётганда болалари кўз олдига келиб йиғлагандир-да. Қандай қилиб шундай ёш, чиройли аёлни раҳм қилмай ўлдиришган экан-а? Ўлдирганларнинг ҳам хотини, бола-чақаси бормикин? Пулмул сўраган бўлса, борини бериб қутилиб кўя қолса бўларди-ку, бунақа бўлиб ахлатхонада ётгандан кўра!

Бу ерда қилинадиган ишларнинг барчаси бўлди. Мурдани судмедэкспертизага жўнатиш ҳақида топшириқ бераман ва ҳар эҳтимолга қарши шу атрофни қўриқлаб туришни участка нозирига айтиб прокуратурага қайта бошлаймиз.

Шу пайт бир аёл кишининг чинқириғи эшитилади.

— Ҳали ўлмагандир, дўхтир чақиринглар, дўхтир...

Яна орқага қайтамиз. Судмедэкспертларнинг машинасига ортилаётганда жасадни кўрган бир аёл, ўзининг синглиси эканлигини айтиб додлаб йиғлар эди.

Уни шу ердаги меҳмонхонага киритамиз. Аммо ундан бирон гап олиш ҳозирча қийин. Дағ-дағ титраб ўзини ҳар томонга уриб кимларнидир қарғаётган бу аёлни, жиноят қидирув ва прокуратура ходимлари ўраб олишган. Унинг оғзидан гап чиқиши билан дарҳол текширишга ҳамма шай бўлиб турибди. Айримларининг қўлида кичкина блокнот ва ручка.

Қани жиноят тезроқ очилса-ю ҳамма тинчиса.

Эҳтимол, бу аёл ким ўлдирганини билар. Тезроқ ўзига келиб буни Эшмат ёки Тошмат ўлдирган бўлиши мумкин деса-да, шу муттаҳамни бирданига топиб келиб бўйнига қўйсак! Ишқилиб, биронта исм, фамилиями ёки уларни билмаса ҳам биронтадан гумон қиламан деса ҳам бўлди эди.

Йўқ, ҳали-вери ўзига келадиганга ўхшамайди. Гоҳ ҳуд, гоҳ беҳуд бўлаётган бу аёлдан бирон тайинли гап эшитиш учун, тоқати-тоқ бўлган жиноят қидирув ходими сўрайди.

— Ҳеч бўлмаса синглингизнинг исмини айтинг. Қаерда яшайди, ишлайди, болалари, эри борми?

— Ҳа, эргинаси ўлсин-а, уч йилдан бери Россиягами, қозоққами йўқолган, на пул юборади, на ўлик тириги маълум!

Ниҳоят марҳуманинг кимлиги маълум бўлди. Исми Нигора. Икки боласи бор. Ҳеч қаерда ишламайди. Уч хоналик уйини сотиб бир хона олган ва икки-уч кўча нарида иккита фарзанди билан яшайди. Опаси бугун эрталаб уникига келган, унинг болалари, онаси кеча кечқурун Азиза деган аёл билан қандайдир туғилган кунга кетганича қайтиб келмаганини айтишган. Болаларидан бирига чой ичириб мактабига жўнатган, кичигини эса ўз уйига олиб қайтаётганда кўчада одамлардан бир аёл кишининг жасади топилганини эшитиб келган ва синглисини таниган.

Бирдан аёл ўзига келиб, марҳума синглисининг ўзи эргаштириб келган қизини йўқлайди. Чарос қани, Чарос!

Ҳаммақидиришга тушади. Бир пасдан сўнг кўчада ёлғиз йиғлаб турган 6 ёшлардаги қизчани милиция ходимлари топиб келишди.

Аёл уни кўриб яна бақириб йиғлашга тушади.

— Холанг ўлсин, Чаросжон, энди онанг йўқ. Отангнинг йўқлиги камдай энди онасиз ҳам қолдинглар, пешоналаринг бунчаям шўр бўлмаса. Ҳали аканг билмайди, мактабда ўқиётгандир. Ҳали онамга қандай айтаман, нима деб айтаман? Қизча ўзича пиқиллаб йиғлаб гапиради.

— Онамни милисалар машинага ётқизиб ана у ёққа олиб кетишди, оёғида кеча кийган янги туфлиси йўқ...

Гапга чечан қизчага ўхшайди. Бундан гап олиш мумкиндир. Қизчани ва йиғлаётган аёлни прокуратурага олиб жўнаймиз, чунки, у ерда батафсил сўроқ қилиш мумкин.

Милиция ходимлари эса аллақачон Азиза деган аёлни қидириб кетишди ва оёғини ерга тегизмай олиб келишлари турган гап. Уларга шу гап керак эди. Тезкор ходимлар тили билан айтганда, ким билан ишлаш кераклиги дарҳол аён бўлди. Ҳозирча ёмонмас. Албатта уни аввал милиция бўлимига олиб боришиб обдон «гаплашишади». Аввало бўйнига ҳам қўйишади. Худо хоҳласа, кечгача жиноят фош қилинар.

* * *

Йўқ, кечгача ҳам, эртасига ҳам қотиллик фош қилинмади.

Қизчанинг айтишига қараганда, онаси кеч соат 8 ларда ясан-тусан қилиб, Азиза опанинг аммасининг туғилган кунига кетаяпман, Сизлар овқат еб ухлайверинглар, ўзим кечаси келаман деб акаси ва унга овқат сўзиб бериб, уларнинг устидан қулфлаб кетганича қайтиб келмаган. Ҳар доим онаси бемаҳал келиб ўзи эшикни очиб кириб келавергани учун, улар ҳам овқатланиб, телевизор кўриб ухлаб қолишган. Эрталаб қарашса онаси келмаган, билганлари шу.

Ким билан кетди деган саволга эса бир ўзи кетди, лекин Азиза хола келгани ҳам, телефон ҳам қилгани йўқ деб жавоб берди.

Марҳума билан қўшни уйда яшовчи Азиза эса бир гапни тўхтовсиз такрорлайди. Менинг ҳеч қандай аммам йўқ, мен ҳеч қандай туғилган кунга таклиф қилган ҳам эмасман, икки кундан бери Нигорани кўрганим ҳам йўқ. Тамом, вассалом.

Бақувват, сочи калта қилиб кесилган, ўзи қайсидир идорада диспетчер бўлиб ишловчи ёши 40 ларда бўлган бу аёл, фақат саволларга жавоб берар экан, кўп гапирмайди, лекин нимагадир гоҳ қўлини белига олади, гоҳ стол тагига яширади. Нимадандир қаттиқ ҳаяжонда, ундаги ички бир тарангликни сезиш мумкин, аммо сир бой бергиси келмайди, ўзини хотиржам кўрсатишга ҳаракат қилади. Аммо унинг сўроқ пайтида савол бераётган ҳар бир ходимга сергак ва синчиклаб қараши, бир оз ранги оқаргани, ҳар замонда кўзининг совуқ ялтираши эътиборимизни тортмай илож йўқ.

Эксперт-криминалист ҳар эҳтимолга қарши унинг бармоқ изларини ола бошлади. Тирноқларига эътибор қиламан, узун, бўялган.

— Нега менинг бармоқларимни қорага бўяб қоғозга бостириб олаяпсизлар, менинг бу ишларга нима алоқам бор, ўлдирган одамнинг қўлининг изи чиқади дейишар эди, бирданига текширингизлар, меники чиқмаса жавоб берингизлар, кечадан бери милицияда ўтириб чарчадим, болаларим нима бўлди?

— Нигора охирги марта Сизнинг исмингизни айтиб уйидан чиқиб кетаяпти, аммангиз бўлмаса, холангиз бордир, қариндошларингиздан қайси бирини Нигора танир эди? Унга навбатдаги саволни берамиз.

Ранг бўлган бармоқларини тоза қоғоз билан тез-тез артар экан, у асабийлашганича яна такрорлашдан чарчамайди.

— Мен Сизларга аввал ҳам айтдим, ҳозир ҳам айтаман, минг марта такрорладим ҳам, менинг ҳеч қандай аммам ҳам, холам ҳам йўқ. Ака-ука, опа-сингилларим ҳам йўқ. Мен онамга битта қиз эдим. Аввал отам кейин онам ўлиб кетган. Ота-онамнинг қариндошлари ҳам бошқа вилоятда. Нигоранинг ўзи бир бузуқ бўлса, ҳар куни ўзининг «клиент»ларинникига «туғилган кун»га деб чиқиб кетар эди. Ахир болаларига мен ж....лик қилишга кетаяпман демайди-ку. Нега тушунишни хоҳламайсизлар? Менинг отимни айтган бўлса нима мен айбдорманми? Мен кеча кечқурун ўзимни даволаётган врач Мўътабар опанинг уйига ярим соатга бориб келдим холос, ҳеч қандай туғилган кунга борганим йўқ, ана Мўътабар опа ҳам коридорда турибди, у ҳам тасдиқлагандир. Агар у киши меникига келган эмас деган бўлса, майли чақирингизлар, юзлашамиз.

Юзлашишга ҳожат йўқлигини биз биламиз. Чунки, Мўътабар деган врач унинг келганини тасдиқлаб турибди, аммо кеч соат 11 ларда. Қандайдир бир дорини ичсам бўладими ёки йўқми деб сўрагани келган экан. Аммо буни телефонда ҳам сўраса бўлар эди. Врач шуни сўраш учун уникига келганига ҳайрон бўлган ва тегишли маслаҳат бериб жўнатган. Бор-йўғи 10-15 минут вақт кетган холос. Қоронғу бўлгани, Азиза уйига кирмасдан кўчада гаплашгани учун унинг авзойидан ҳеч нарсани сезмаган. Шундан сўнг Азиза ўзини кутиб турган, устида такси белгиси бўлган «Москвич»га ўхшаш автомашинага ўтирган-у қайтиб кетган. «Бироз ҳовлиқканроқ-миди-ей шекилли, янаям анигини билмадим» деб жавоб берди врач.

Аммо, Нигоранинг уйдан чиқиб кетган вақти билан Азизанинг ўз уйидан чиқиб кетган вақти айни бир вақт, яъни кеч соат 8 лар атрофида. Демак улар ўзаро келишиб чиқиб кетаяпти. Аммо уларни биргаликда ҳеч ким кўрмаган.

Азизанинг уйи билан врачнинг уйи ораси машинада бор-йўғи 20 ёки 30 минут вақт кетади. Хўш, соат 8 дан 11 гача Азиза қаерда бўлган? Бу саволга Азиза аввал кўча айланиб юрдим, чунки менга врачлар тоза ҳавода айланинг деган, нима кўча айланиш мумкин эмасми, кейин эсимга бирданига врач опа тушиб қолиб кўчадан такси ушлаб уникига бордим деб жавоб қилаётган бўлсада, аммо унинг бу жавоби ишончга сазовор эмаслиги яққол кўриниб турибди.

Уч боланинг онаси бўлган бу аёлнинг кечаси кўчада 3 соат сайр қилиб юриши негадир одамни шубҳага солади.

Яна бир ҳолат шубҳали. Врач, Азиза келганда қўлида сумкаси бор эди шекилли, деди. Ҳолбуки, Азизанинг ўзи ҳам, уйидагилари ҳам унинг сумкаси уйида қолгани, сумкасиз кўчага чиққанини ишонч билан тасдиқлашмоқда. Унда Азизанинг қўлидаги сумка кимга тегишли бўлади? Врач билан Азиза юзлаштирилганда, врач иккиланиб қолди. Қоронғу бўлгани учун адашдимми ё, менимча қўлида сумкаси бор эди-ёв, лекин ранги оқ эмас, қорамтирроқ эди шекилли деди.

Нигоранинг сумкаси эса жигарранг бўлган.

Аммо бу шубҳалар билан уни қотилликда гумон қилиб бўлмайди. Уни ҳар қанча сўроқ қилмайлик ўзининг гапларини такрорлащдан чарчамайди, тамом вассалом.

Хўш, орқасидан кузатув ташкил қилиб уйига жавоб берсакмикин? Менимча, шундан бошқа йўл йўқ.

Унга охирги саволларни бераман.

— Хўш, ана врачникидан қайтиб келдингиз, шундан кейин нима қилдингиз? Яна бирон жойга чиқдингизми, биров билан телефонда гаплашдингизми?

— Кечаси соат 11 дан сўнг қаерга ҳам чиқаман. Ҳеч ким билан телефонда ҳам гаплашганим йўқ. Бошим оғриётгани учун дори ичдим-у ётдим. Эрталаб туриб ишга борган эдим, изимдан милиция ходимлари бориб бўлимга олиб келишди. Ана ўшандан бери бошимни қотиришгани-қотиришган. Бугун эрталабдан мана Сизнинг олдингиздаман, гоҳ чиқаришади, гоҳ киритишади, сўроқ бериб ўтирибман-ку.

(Давоми келгуси сонда).

Huquq
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-82, 233-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 233-64-85, 233-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Buyurtma Г — 56. 26710 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: M.DUSIYAROVA
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 21.00. Topshirildi: 20.30 1 2 3 4 5 6 7 8